ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

ШНҚ 2.01.05-24 «ТАБИИЙ ВА СУНЪИЙ ЁРИТИШ» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 25 октябрда ҳисобга олинди, ҳисоб рақами 309]

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон «Ўзбекистан Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2023 йил 28 августдаги ПФ-151-сон «Маъмурий ислоҳотлар доирасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 23 апрелдаги 231-сон «Қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.01.05-24 «Табиий ва сунъий ёритиш» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2019 йил 23 декабрдаги 561-сон буйруғи билан тасдиқланган ҚМҚ 2.01.05-19 «Табиий ва сунъий ёритиш» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Энергетика вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган.

4. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир в. б. Ш. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 26 сентябрь,
1/2-68-сон
Келишилди:

Энергетика вазири Ж. МИРЗАМАҲМУДОВ

2024 йил 21 сентябрь

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги А. КУЛДАШЕВ

2024 йил 17 сентябрь

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси Б. ЮСУПАЛИЕВ

2024 йил 11 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси
қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирининг
2024 йил 26-сентябрдаги
01/2-68-сон буйруғига
ИЛОВА

**ШНҚ 2.01.05-24 “Табиий ва сунъий ёритиш”
шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари**

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) янги қурилаётган ва реконструкция қилинадиган бинолар ва иншоотларни ҳамда уларнинг ҳудудидаги майдонлари, шунингдек, аҳоли пунктларини ташқи ёритишни лойиҳалашга оид бўлган талабларни белгилайди.

Ушбу ШНҚ талаблари қуйидаги объектларнинг ёритилишини лойиҳалашга нисбатан татбиқ этилмайди:

ерости ишлари;

денгиз ва дарё портлари;

аэродромлар;

темир йўл станциялари ва уларнинг йўллари;

спорт иншоотлари;

даволаш-профилактика муассасалари;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш хоналари;

ўсимликлар ва ҳайвонларни жойлаштириш учун мўлжалланган хоналар.

Мазкур ШНҚ асосида бино ва иншоотларнинг технологик жараёни ва қурилиш ечимларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёритишнинг нормалари ишлаб чиқилади.

1-боб. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига ҳаволалар

1. Мазкур ШНҚда қуйидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига ҳаволалар келтирилган:

ШНҚ 2.05.09-22 “Трамвай ва троллейбус йўллари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари;

СанҚваН 0146-04 “Ўзбекистон иқлим шароитида турар жойлар лойиҳалаштиришнинг санитария қоидалари ва нормалари”.

2-боб. Атамалар, таърифлар ва қисқартмалар

2. Ушбу ШНҚда қуйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилган:

авария ҳолатидаги ёритиш – ишчи ёритиш таъминотининг ишдан чиқиш ҳолатида кўзда тутиладиган ёритиш;

аралаш ёритиш – табиий ва сунъий ёритишни бир вақтда амалга оширилиши;

аҳоли пункти – ҳуқуқий мақом, ном ва чегара билан белгиланган Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бирлиги (шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул);

бино – функционал мақсадига қараб одамлар яшаши ёки бўлишига ва ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат қурилиш тизими;

бирлашган шинамсизлик кўрсатгичи UGR – кўриш чоғида равшанликнинг нотекис тақсимланишидан келтириб чиқарадиган ялтироқликни баҳолаш мезонидир ва у қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\mathrm{UGR} = 8\lg\left[\ \frac{0.25}{L_a}\sum_{i=1}^{N}\frac{L_i^2\omega_i}{p_i^2}\ \right],$$

Бунда:

L_i – ялтироқ манбанинг равшанлиги, cd/m^2;

ω_i – ялтироқ манбанинг бурчакли ўлчови, стерадиан;

p_i – кўриш чизиғига нисбатан ялтироқ манба позициясининг индекси;

L_a – адаптация равшанлиги, cd/m^2;

вертикал ёритилганлик (lx) – вертикал текисликдаги ёритилганлик;

горизонтал ёритилганлик (lx) – горизонтал текисликдаги ёритилганлик;

ён томондан табиий ёритиш – хоналарни ташқи деворларидаги дерзалар орқали табиий ёритиш;

ёритилганлик E (lx) – кўриб чиқилаётган нуқтани ўзига олган сирт элементига тушаётган ёруғлик оқими $d\Phi$ нинг шу элементни юзаси dA га нисбати:

$$E=d\Phi/dA;$$

ёритилганликнинг пульсация коэффициенти K_n, *фоиз* – газразрядли чироқларни ўзгарувчан ток билан таъминланганда, ёруғлик оқимининг вақт бўйича ўзгариши натижасида ёритилганлик тебранишларининг нисбий чуқурлигини баҳолаш мезони ҳисобланади ҳамда у қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$K_n = \frac{E_{\max} - E_{\min}}{2E_{o'r}} \cdot 100,$$

Бунда:

E_{max} ва E_{min} – мос равишда ёритилганликнинг тебраниш давридаги максимал ва минимал қийматлари, lx;

$E_{o'r}$ – шу давр ичида ёритилганликнинг ўртача қиймати, lx;

ёруғлик иқлимининг коэффициенти (m) – ёруғлик иқлими хусусиятларини ҳисобга олувчи коэффициент;

захира коэффициенти ($К_з$) – ёриткичини эксплуатация қилиш жараёнида ёритилганлик ёки равшанликнинг пасайишини ҳисобга олувчи коэффициент;

ишчи юза – иш олиб бориладиган ва ёритилганлик нормаланадиган юза;

ишчи ёритиш – бинолардан ташқарида иш олиб бориладиган жойларда нормалаштирилган ёритиш шароитларини таъминлайдиган ёритиш;

иншоот – ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажариш, моддий қимматликларни жойлаштириш ва сақлаш, одамларнинг вақтинча бўлиши (ҳаракатланиши), шунингдек ускуналар ёки коммуникацияларни жойлаштириш (ўтказиш,

улаш) учун мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат ҳажмий, ясси ёки чизиқ тарзидаги қурилиш тизими;

кўз қамаштириш кўрсаткичи *P* – ёритиш қурилмасининг кўзни қамаштириш таъсирини баҳолаш мезони ҳисобланади ва у формула орқали аниқланади:

$$P = (S-1)\,1000$$

Бунда, *S*-кўриш чоғида кўз қамаштириш манбаларининг борлиги ва йўқлигида равшанликнинг чегаравий фарқларининг нисбатига тенг кўз қамаштириш коэффициентидир;

максимал ёритилганлик (lx) **–** ёритиладиган ҳудудда ёритилганликнинг энг катта қиймати;

минимал ёритилганлик (lx) **–** ёритиладиган ҳудудда ёритилганликнинг энг кичик қиймати;

маҳаллий ёритиш – умумий ёритишга қўшимча бўлган ёритиш бўлиб, ёриткичларнинг ёруғлик оқимини иш жойларига бевосита йўналтирилади;

навбатчи ёритиш – ишдан ташқари вақтдаги ёритиш;

равшанлик (cd/m^2) – ёруғлик манбаининг берилган йўналиш бўйича ёруғланишини ифодаловчи катталик;

ранг узатиш индекси – аниқ кузатиш шароитларида текширилаётган ва стандарт ёруғлик манбалари билан ёритилган рангли объектни кўришни қабул қилиш мослигининг ўлчови;

ранг ҳарорати T_c – планк (қора жисм) нурлантиргичининг ҳарорати, бунда унинг нурланиши қаралаётган объектнинг нурланиши билан бир хил рангга эга бўлади.

ранг узатиш – ёруғлик манбаининг спектрал таркибининг рангли объектларни кўриш идрокига таъсирини тавсифловчи умумий тушунча бўлиб, стандарт ёруғлик манбаи билан ёритилган ўша объектларни идрок қилиш билан таққосланади.

светодиод – яримўтказгичли диод орқали электр токи ўтказилганда тўлқинлар узунлиги кўриш диапазонида когерент бўлмаган нурланишлар чиқаришга асосланган ёруғлик манбаи;

табиий ёритиш – хоналарни (тўғри ёки қайтган), ташқи тўсиқ конструкцияларидаги ёруғлик дарчалари орқали ўтувчи осмон ёруғлиги билан ёритиш;

табиий ёруғлик бўлмаган хона – табиий ёритиш коэффициенти 0.1 фоиздан кам бўлган хона;

табиий ёритиш коэффициенти (бундан буён матнда ТЁК деб юритилади) – хона ичида берилган текисликнинг бирор нуқтасида осмон ёруғлиги (бевосита ёки қайтгандан кейин) ҳосил қиладиган табиий ёритилганликнинг тўлиқ очиқ осмон гумбази ёруғлиги ҳосил қиладиган ташқи горизонтал ёритилганликнинг бир вақтдаги қийматига нисбати; фоизларда ифодаланади.

турар жой объектлари – одамлар яшаши учун мўлжалланган бинолар, доимий яшаш учун уй-жойлар (хонадонлар), шунингдек вақтинча яшаш учун ётоқхоналар, меҳмонхоналар, мактаб-интернатлар, қариялар уйлари;

хонанинг индекси *i* **–** хонаннинг геотермик хусусиятлари ёрдамида аниқланадиган ва ёриткичларнинг фойдаланиш коэффициентини ҳисоблаш учун қўлланиладиган катталикдир ҳамда у қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$i = \frac{ab}{h_0\ \ (a+b)}$$

Бунда:

a ва b – бино узунлиги ва кенглиги, m;

h_0 – ёриткичларнинг ишчи юза устида осилиш баландлиги, m;

цилиндрик ёритилганлик $E_ц$ – хонанинг ёруғлик билан тўйиниш хусусияти. Хонада вертикал жойлашган, радиуси ва баландлиги нолга интилувчи цилиндр сиртидаги ёруғлик оқимининг ўртача зичлиги орқали аниқланади;

шартли ишчи юза – полдан 0,8 m баландликда жойлашган горизонтал юза;

эвакуация ёритиши – нормал ёритиш авария ҳолатида ўчирилганда, хонадан одамларни эвакуация қилиш учун зарур бўлган ёритишдир;

Эксплутация коэффициенти (табиий ёруғлик учун) MF, нисбий бирликлар - белгиланган хизмат муддати охирида табиий ёритиш натижасида яратилган маълум бир нуқтадаги ТЁК қийматининг эксплуатация бошидаги худди шу нуқтадаги ТЁК қийматига нисбатига тенг бўлган коэффициент.

Ушбу коэффициент дераза ойналарининг ифлосланиши ва эскириши шунингдек хона сиртларининг акс эттирувчи хусусиятларининг пасайиши туфайли эксплутация жараёнида ТЁК нинг камайишини ҳисобга олади ва қуйидаги формуладан ҳисоблаб топилади:

$$MF=MF_з \cdot MF_п$$

Бунда:

$MF_з$ – эксплутация жараёнидаги дераза ойналарининг ифлосланиши ва эскириши туфайли ТЁКни камайишини ҳисобга олувчи коэффициент;

$MF_п$ – эксплутация жараёнидаги хона юзаларини нур қайтариш хусусиятларини пасайиши туфайли ТЁКни камайишини ҳисобга олувчи коэффициент;

Эксплутация коэффициенти табиий ёритиш учун олдин қўлланилган захира коэффициенти $К_з$ га тескари катталик ($MF=1/К_з$);

Эксплуатация коэффициенти (сунъий ёритиш учун) MF, нисбий бирликлар - белгиланган фойдаланиш муддати охирида ёритиш қурилмаси томонидан ҳосил қилинган маълум нуқтадаги ёритилганлик ёки равшанликнинг, шу нуқтадаги эксплуатация бошидаги ёритилганлик ёки равшанликка нисбатига тенг бўлган коэффициентдир.

Ушбу коэффициент ёритиш қурилмасидан фойдаланиш давомида ёруғлик оқимининг пасайиши, ёруғлик манбаларининг ишдан чиқиши ва ёритиш асбобларининг оптик элементларининг қайтарувчи ҳамда ўтказувчи хусусиятларининг тикланмайдиган ўзгариши, шунингдек хона юзаларининг, бино ёки иншоотнинг ташқи деворларининг, йўл ёки пиёдалар йўлагининг ҳаракатланиш қисмининг ифлосланиши натижасида ёритилганлик ёки равшанликнинг камайишини ҳисобга олади ва қуйидаги формуладан ҳисоблаб топилади:

$$MF=MF_{сп} \cdot MF_{ви} \cdot MF_{оп} \cdot MF_п$$

Бунда:

$MF_{сп}$ – ёруғлик манбаларининг ёруғлик оқимининг пасайишини ҳисобга олувчи коэффициент;

$MF_{ви}$ – ёруғлик манбаларининг ишдан чиқишини ҳисобга олувчи коэффициент;

$MF_{оп}$ – ёритиш асбоблари оптик элементларининг ифлосланиши, ҳамда қайтарувчи ва ўтказувчи хоссаларининг тикланмайдиган ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффициент;

MF_n – хона ёки иншоотнинг акс эттирувчи юзаларининг ифлосланишини ҳисобга олувчи коэффициент.

Эксплутация коэффициенти захира коэффициенти $К_з$ га тескари пропорционал ($MF=1/К_з$);

юқоридан табиий ёритиш – хоналарнинг фонарлар орқали табиий ёритилиши, бинонинг баландликлари ҳар хил бўлган жойларида деворлардаги ёруғлик туйниклари;

ярим цилиндрик ёритилганлик – кўча бўйлаб унинг ўқига параллел ҳаракатланаётган кузатувчи учун фазонинг ёруғлик билан тўйинганлиги ва сояни ҳосил қилувчи ёритиш эффектининг тавсифи. Радиуси ва баландлиги нолга интилувчи ярим цилиндрнинг 1,5 m баландликдаги кўчанинг бўйлама чизиғида вертикал жойлашган юзасидаги ёруғлик оқимининг ўртача зичлиги сифатида аниқланади. Ярим цилиндрик ёритилганликни ҳисоблаш муҳандислик усули билан амалга оширилади.

3. Ушбу ШНҚда қуйидаги қисқартмалар қўлланилган:

ТЁК – табиий ёритиш коэффициенти;

ҚВЁҚ – қисқа вақтда (одамлар ушбу хоналардан ўтиб олишига етарли вақт) ёниб-ўчадиган қурилмалар.

3-боб. Умумий қоидалар

4. Ушбу ШНҚдаги ёритишнинг норматив қиймати ёруғлик манбалари учун хона ичидаги ишчи юзада минимал қийматли нуқталарида берилиши лозим. Ташқи ёритишда ҳар қандай ёруғлик манбалари бундан мустасно.

Мазкур ШНҚда йўл қопламалари равшанлигининг норматив қийматлари турли ёритиш манбалари учун келтирилган.

Иш жойларидаги минимал ёритилганликнинг хонадаги норматив ўртача ёритилганликдан фарқи СанҚваН 0146-04га мувофиқ 10 фоиздан ошмаслиги керак.

5. Ёритилганликнинг lx даги норматив қийматлари қуйидаги шкалалар бўйича қабул қилиниши лозим: 20, 30, 40, 50, 75, 100, 125, 200, 300, 400, 500, 600, 750, 1000, 1250, 1500, 2000, 2500, 3000, 3500, 4000, 4500, 5000.

6. Юза равшанлигининг cd/m^2 норматив қийматларини қуйидаги шкалалар бўйича қабул қилиниши лозим: 20, 25, 30, 50, 75, 100, 125, 150, 200, 400, 500, 750, 1000, 1500, 2000, 2500.

7. Ишлаб чиқариш корхоналарининг хоналарини ёритишга қўйиладиган талабларни (ТЁК, норматив ёритилганлик, кўзни қамаштирувчи ва ёруғликнинг пульсация коэффициентларининг мақбул комбинацияси) ушбу ШНҚнинг 55 ва 56-бандлари талабларини ҳисобга олган ҳолда, мазкур ШНҚнинг 1-иловасидаги 1-жадвал бўйича қабул қилиш лозим.

Саноат корхоналарининг хоналари ва иншоотларини ёритишнинг норматив кўрсаткичлари ушбу ШНҚнинг 10-иловасида келтирилган.

8. Турар жой, жамоат ва маъмурий-маиший бинолар хоналарини ёритишга бўлган талабларни (ТЁК, норматив ёритилганлик, цилиндрик ёритилганлик, ноқулайлик кўрсаткичи ва ёритилганликнинг пульсация коэффициенти) ушбу ШНҚнинг 1-иловасидаги 2-жадвали бўйича қабул қилиш лозим. Бунда, ушбу ШНҚнинг 74 ва 75-бандлари талаблари ҳисобга олинади.

9. Турар жой, жамоат ва ёрдамчи биноларнинг асосий хоналари учун ёруғликнинг норматив кўрсаткичлар ушбу ШНҚнинг 10-иловасида келтирилган.

10. Табиий, сунъий ва аралаш ёритишни лойиҳалашда экплуатация жараёнидаги ёруғликнинг пасайишини қоплаш (компенсация) учун ушбу ШНҚнинг 1-иловасидаги 3-жадвал бўйича қабул қилинадиган эксплуатация коэффициентини MF киритиш лозим.

11. Сунъий ва аралаш ёритиш “Одамларни ультрабинафша нурланишининг олдини олиш (сунъий манбалардан фойдаланган ҳолда ультрабинафша нурланиш)” услубий талабларига мувофиқ ультрабинафша нурланишига қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилиши лозим.

4-боб. Табиий ёритиш

12. Табиий ёритиш одамлар доимий бўладиган хоналар учун кўзда тутилади.

Бино ва иншоотларнинг қурилиш нормаларига мувофиқ табиий ёритиш талаб этилмайдиган хоналар, шунингдек ертўла қаватларида (ярим ертўла (цоколь) қаватларидаги яшаш хоналари бундан мустасно) жойлаштириш мумкин бўлган хоналарни табиий ёритишсиз лойиҳалашга йўл қўйилади.

13. Табиий ёритиш ён томондан, юқоридан ва аралаш (юқоридан ва ён томондан) турларга бўлинади.

14. Хоналар ён томондан табиий ёритиладиганда ТЁКнинг минимал қиймати хонанинг характерли қирқимининг вертикал текислиги билан деразадан олисда жойлашган девордан 1 m масофада шартли ишчи юзаси кесишмасида жойлашган нуқтада аниқланади.

Хоналар икки ёқлама ён томонидан ёритиладиганда ТЁКнинг минимал қиймати хона ўртасидаги нуқтада аниқланади.

15. Турар жой ва жамоат бинолари ён томондан ёритиладиган ТЁКнинг норматив қиймати қуйидагича аниқланиши лозим:

турар жой биноларининг яшаш хоналарида – деразалардан энг олисда жойлашган девордан 1 m масофада олинган бинонинг характерли қирқимининг вертикал текислик билан пол текислиги кесишадиган жойдаги ҳисоб нуқтасида;

яшаш хоналарида ТЁКнинг норматив қиймати ён томондан ёритилганда бино марказида жойлашган ҳисоб нуқтасида;

турар жой объектларида ҳонанинг характерли қирқимининг вертикал текислиги билан хонанинг марказидаги пол текислигининг кесишмасида жойлашган ва полдан 0.85 m баландликда олинган нуқтасида;

мактабгача таълим муассасаларининг хоналари деразалардан энг олисда жойлашган девордан ичкарига 1 m масофада ва полдан 0.5 m баландликда олинган, бино характерли қирқимининг вертикал текислиги билан пол текислигининг кесишган жойидаги ҳисоб нуқтасида;

умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларининг ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш биноларида деразалардан энг олисда жойлашган девордан ичкарига 1,2 m масофада ва полдан 0.85 m баландликда олинган, бино характерли қирқимининг вертикал текислиги билан пол текислигининг кесишган жойидаги ҳисоб нуқтасида;

турар жой ва жамоат биноларининг қолган хоналарида – хона марказидаги ишчи юзада жойлашган ҳисоб нуқтасида.

16. Ён томондан ёритиладиган кенглиги 6 m дан ортиқ бўлган йирик саноат биноларида ТЁКнинг минимал қиймати деразалардан олисда бўлган нуқталарда нормалаштирилади:

полдан ёруғлик туйнугининг тепасига қадар 1.5 m баландлик – I-IV разрядли кўриш ишлар учун;

полдан ёруғлик туйнугининг тепасига қадар 2 m баландлик – V-VII разрядли кўриш ишлар учун;

полдан ёруғлик туйнугининг тепасига қадар 3 m баландлик – VIII разрядли кўриш ишлар учун.

17. Юқоридан ёки аралаш табиий ёритишда ТЁКнинг ўртача қиймати хонанинг характерли қирқимининг вертикал текислиги ва шартли ишчи юзаси (ёки пол) кесишган жойда жойлашган нуқтада нормаланиши лозим. Биринчи ва охирги нуқталар деворлар сиртидан (пардадевор) ёки устунлар ўқидан 1 m масофада қабул қилинади.

18. Хоналарни ён томондан ёритиш жойларига (деразалар билан ташқи деворларга туташган жойлар) ва юқоридан ёритишга эга бўлган жойлар бўлишга йўл қўйилади. Ҳар бир белгиланган жойларда табиий ёритишни нормалаш ва ҳисоблаш мустақил равишда амалга оширилиши лозим.

I-III разрядли кўриш ишлари билан боғлиқ бўлган саноат биноларида аралаш ёритишни ташкил қилиш лозим.

19. Катта оралиқли йиғиш цехларида юқоридан табиий ёритишни қўллашга йўл қўйилади. Бунда, ишлар хона ҳажмининг катта қисмида полдан турли сатҳда ва ишчи юзаларининг бўшлиғида турлича жойлаштирилган сиртларда амалга оширилиши лозим.

ТЁКнинг норматив қийматлари I-III разрядлар учун мос равишда 10 фоиз, 7 фоиз, 5 фоизда қабул қилиниши лозим.

20. Турли ҳудудларда жойлашган бинолар учун ТЁКнинг нормаланган қиймати e қуйидаги формула орқали аниқланиши лозим:

$$e = e_н\, m,$$

Бунда:

$e_н$ – ТЁКнинг қиймати мазкур ШНҚнинг 1-иловаси 1 ва 2-жадваллардан олинади;

m – ёруғлик иқлимининг коэффициенти ушбу ШНҚдаги 1-жадвали бўйича олинади.

Юқоридаги формула бўйича олинган қийматларни ўнлик қисмгача яхлитлаш лозим.

21. Турар жой бинолари ва мактабгача таълим муассасаларининг асосий хоналарида ТЁКнинг норматив қийматлари пол сатҳи даражасида таъминланиши керак.

22. Хоналарнинг табиий ёритилиши мебель, жиҳозлар ва бошқа соя берадиган предметларни ҳисобга олмаган ҳолда, шунингдек ёритиш туйнукларида ёруғлик ўтказувчи тўлдирувчиларнинг 100 фоиз ишлатилиши билан ҳисобланиши лозим. ТЁКнинг ҳисобий қиймати вергулдан сўнг иккита белгигача яхлитланиши керак.

Ҳисоб бўйича дераза туйнугининг ўлчамларини 10 фоиз га ўзгартиришга йўл қўйилади.

Уфқ томонлари бўйича ёритиш ўринларининг йўналишига кўра ёруғлик иқлимининг коэффициенти

1-жадвал

Ёритиш ўринлари	Уфқ томонлари бўйича ёритиш ўринларининг ориентацияси	Ёруғлик иқлимининг коэффициенти, m
Бинонинг ташқи деворларидаги	Ш, ШШ$_к$, ШҒ	0,7
	Ғ, Ш$_к$, Ж Ш$_к$, ЖҒ, Ж	0,65
Томлардаги тўғри бурчакли ва трапециясимон фонарлар	Ш-Ж	0,65
	ШШ$_к$-ЖҒ, ЖШ$_к$-ШҒ	0,60
	Ш$_к$-Ғ	0,55
“Аррасимон” (шед) туридаги фонарлар	Ш	0,65
“Зенит” туридаги фонарлар	-	0,6
Изоҳ: Ш – Шимол, ШШ$_Қ$ – Шимолий Шарқ, ШҒ – Шимолий Ғарб, Ш$_қ$ – Шарқ, Ғ – Ғарб, Ш-Ж – Шимол Жануб, Ш$_қ$-Ғ – Шарқ-Ғарб, Ж – Жануб, ЖШ$_қ$ – Жанубий-Шарқ, ЖҒ – Жанубий-Ғарб.		

23. Ишлаб чиқариш ва жамоат биноларида табиий ва юқоридан ёки аралаш услубда ёритиш мутаносиблиги 1:3 нисбатдан ошмаслиги шарт.

Бино характерли қирқимининг вертикал текислиги билан шартли ишчи юзанинг кесишиш чизиғидаги ҳар қандай нуқтадаги юқоридан ва аралаш табиий ёритиш билан ТЁКнинг ҳисобланган қиймати турли разрядларга мос кўриш ишлари учун ён томондан ёритишдаги ТЁКнинг нормалаштирилган қийматидан кам бўлмаслиги керак.

24. Табиий ёритишнинг бир маромдалиги (бир хиллиги) қуйидаги ҳолларда нормалаштирилмайди:

ён томондан ёритилган ишлаб чиқариш хоналарида;

юқоридан ёки юқори ва ён томондан ёритилган VII ва VIII разрядли кўриш ишлари бажариладиган ишлаб чиқариш хоналарида;

Г ва Д разрядли кўриш ишлари бажариладиган ёрдамчи ва жамоат бинолари хоналарида.

25. Умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларидаги ўқув хоналарини ёритиш туридан қатъи назар, ўқувчиларнинг ўқув жойлари табиий ёруғлик нури уларга чап томондан тушадиган қилиб жойлаштирилиши керак.

26. Бинолар зич бўлган шароитда табиий ёритилганликни ҳисоблашда қарама-қарши турган бинолар фасадлари учун (фасаднинг ойнабанд бўлмаган қисмларидан ташқари) қурилиш ва юзани пардозлаш материалларининг нур қайтариш коэффициенти ρ ни қуйидагича қабул қилиш лозим:

қурилаётган бинолар учун – фасад юзасига ишлов бериш материалларининг сертификатида келтирилган маълумотлар бўйича;

мавжуд иморатлар учун – ушбу ШНҚдаги 23-жадвал бўйича.

27.Ойнавандланган оралиқлар сиртидан ўртача нур қайтишини ҳисобга олувчи коэффициент $\rho_{ок}$, 0,2 га тенг деб қабул қилинади. Ойнавандланган оралиқларни инобатга олган холда, фасаддан ўртача нур қайтишини ҳисобга олувчи коэффициент қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\rho_{ф} = \frac{\sum_i^N \rho_{мi} S_{Mi} + \rho_{ок} S_{ок}}{\sum_i^N S_{Mi} + S_{ок}}$$

Бунда:

$\rho_{мі}$, – фасаднинг пардозлаш материалини қайтариш коэффициенти;

$\rho_{ок}$ – дераза фасаднинг ва дераза панжараларини ҳисобга олган ҳолда ўртача қайтариш коэффициенти;

$S_{М}$і – дераза юзаларини ҳисобга олинмасдан топилган фасаднинг юзаси ва $S_{ок}$ мос равишда дераза юзалари.

28. Тўғридан-тўғри қуёш нурлари таъсиридан кўзни ҳимоя қилиш воситаларини танлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

ёруғлик туйнукларини уфқ тарафлари бўйлаб йўналтириш;

хонадаги доимий кўриш чизиғига эга бўлган одамга нисбатан қуёш нурларининг йўналиши;

биноларнинг вазифасига қараб, кун ва йилдаги иш вақти;

қуёш хариталари тузиладиган қуёш вақти билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қабул қилинган декрет вақти ўртасидаги фарқ.

5-боб. Аралаш ёритиш

29. Ишлаб чиқариш биноларининг хоналарини аралаш ёритиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

I-III разрядли ишлар бажариладиган ишлаб чиқариш биноларида;

ишлаб чиқариш ва бошқа хоналар учун ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси ёки қурилиш жойидаги иқлим шароитлари бўйича ТЁКнинг нормаланган қийматини таъминлаш имконини бермайдиган ҳажмли-режалаштириш ечимлари талаб қилинадиган ҳолларда (катта кенгликдаги кўп қаватли бинолар, катта кенгликдаги оралиқлари бўлган бир қаватли кўп оралиқли бинолар), шунингдек табиийга нисбатан аралаш ёритилганликнинг техник-иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги тегишли ҳисоб-китоблар билан тасдиқланган ҳолларда;

айрим саноат тармоқларининг бино ва иншоотларини лойиҳалаш бўйича норматив ҳужжатларга мувофиқ.

30. Турар жой, жамоат ва маъмурий-маиший бинолар хоналарини аралаш ёритиш, турар жой бинолари хоналари ва ошхоналари, мактаблар ва ўқув муассасаларининг ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш ҳамда болаларнинг хоналар, санаториялар ва дам олиш уйларининг ётоқхоналаридан ташқари оқилона ҳажмий-режалаштириш ечимларни танлаш шартлари бўйича талаб этиладиган ҳолларда кўзда тутишга рухсат этилади.

31. Одамларнинг доимий бўладиган ишлаб чиқариш хоналарини умумий (қабул қилинган ёритиш тизимларига боғлиқ бўлмаган ҳолда) сунъий ёритиш ёруғликнинг разрядли манбалари билан таъминланиши керак. Ёруғлик манбаларини танлаш мазкур ШНҚнинг 5-бобининг талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

32. Технологик шартларга, атроф-муҳитга ёки ички дизайн талабларига мувофиқ, бошқа ёруғлик манбаларидан фойдаланиш мумкин бўлмаган ҳолларда, чўғланма лампалардан фойдаланишга йўл қўйилади.

33. Ишлаб чиқариш хоналари учун ТЁКнинг норматив қийматларини ушбу ШНҚнинг 1-иловаси бўйича аралаш ёритиш каби қабул қилиш керак.

Ишлаб чиқариш хоналари учун ТЁКнинг норматив қийматларини ушбу ШНҚнинг 2-жадвалига асосан қуйидагиларни қабул қилишга рухсат этилади:

ён томондан ёритиладиган хоналарда ичкарилиги, технологик талаблар ёки рационал ҳажмий-режавий ечимларни танлаш бўйича, аралаш ёритишнинг ушбу ШНҚнинг 1-иловасида кўрсатилган ТЁКнинг норматив қийматларини таъминлаш имконини бермайдиган хоналарда;

I-III разрядли хоналарда.

Аралаш ёритишда ишлаб чиқариш хоналари учун
ТЁКнинг энг кичик норматив қиймати

2-жадвал

Кўриш ишлари разряди	Аралаш ёритишда ТЁКнинг $e_н$, фоиз энг кичик норматив қиймати	
	Юқоридан ёки аралаш ёритишда	Ён томондан ёритишда
I	3	1,2
II	2,5	1
III	2	0,7
IV	1,5	0,5
V ва VII	1	0,3
VI	0,7	0,2

34. Ишлаб чиқариш хоналари учун мазкур ШНҚнинг 33-бандига мувофиқ ТЁКнинг норматив қийматларини белгилашда қуйидагилар бўлиши керак:

ушбу ШНҚнинг 55-бандига асосан ёритилганликни ошириш таъминланмаган бўлса, умумий сунъий ёритиш тизимидан ёритилганликни ёритиш шкаласи бўйича (Iб, Iв, IIб тоифалардан ташқари) бир поғона ошириш лозим. Ёритилганлик умумий ёритиш тизимидан разрядли лампаларда 200 lx ва чўғланма лампаларида 100 lx дан кам бўлмаслиги керак. Разрядли лампаларда 750 lx дан ва чўғланма лампаларида 300 lx дан ортиқ бўлган ёритилганликни ҳосил қилишда фақат асослар мавжуд бўлганда йўл қўйилади;

аралаш тизимдаги умумий ёритиш мосламаларининг ёритилиши Iа, Iв, IIа разрядлардан ташқари, ёритиш шкаласи бўйича бир поғонага оширилиши керак;

кўриш ишининг I-III разрядлари учун пульсация коэффициенти Кр 10 фоиздан ошмаслиги керак.

Хоналарни суньий ёритишда мазкур ШНҚнинг 5-бобига мувофиқ лойиҳалаш лозим.

35. Турар жой ва жамоат биноларини аралаш ёритишда ТЁКнинг ҳисобий қийматлари 80 фоиз ва ундан кам бўлганда ён томондан табиий ёритишда сунъий ёритиш нормаларини ёритилганлик шкаласи бўйича бир поғона оширилиши лозим.

36. Ёритиш тизимида сунъий ёритиш нормаларини ёритиш шкаласи бўйича бир поғонага оширишда умумий овқатланиш жойлари, овқат тарқатиш хоналари, заллари ва дўконларнинг савдо залларидаги қийматларнинг 60 фоиздан 30 фоизгача чегарасида ТЁКнинг ҳисобий қийматларини қабул қилишга йўл қўйилади.

37. Аралаш ёритиш билан умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларининг биноларида норматив ёритишни ёруғлик шкаласига мувофиқ ошириш лозим.

6-боб. Сунъий ёритиш

38. Сунъий ёритиш ишчи, авария ҳолатидаги, хавфсизлик ва навбатчи ёритиш турларига бўлинади.

39. Бино ичи ва ташқарисидаги ёритишнинг норматив хусусиятлари ишчи ёритиш чироқлари ва уларнинг авария ёритиш чироқлари билан биргаликда таъминланиши лозим.

40. Норматив ёритилганлик ва уни таъминловчи солиштирма қуввати биноларнинг ишчи чизмаларида кўрсатилади.

41. Сунъий ёритиш икки тизимдан иборат бўлиши лозим - умумий ёритиш (бир хил ва маҳаллийлаштирилган) ва комбинацияланган ёритиш.

42. Ишчи ёритишни биноларнинг барча хоналари учун, шунингдек, ишчиларнинг ишлаши, ўтиши ва транспорт ҳаракати учун мўлжаланган очиқ жой майдонлари учун таъминланиши керак.

Турли хил табиий ёруғлик шароитлари ва турли иш тартибларига эга бўлган ҳудудлари бўлган бинолар учун бундай ҳудудларнинг ёритилишини алоҳида назорат қилиниши таъминланиши керак.

43. Биноларни умумий ва маҳаллий ёритиш учун ранг ҳарорати 2400 дан 6800 К гача бўлган ёруғлик манбаларидан фойдаланиш керак ҳамда 320-400 nm тўлқин узунлиги оралиғидаги ультрабинафша нурланишнинг фаоллиги $0.03 W/m^2$ дан ошмаслиги лозим.

Бунда, нурланиш спектрида 320 nm дан кам тўлқин узунлигининг мавжуд бўлишига йўл қўйилмайди.

Сунъий ёритиш учун рангларни фарқлаш талабларини ҳисобга олган ҳолда энг юқори ёруғлик самарадорлиги ва хизмат қилиш муддати бўлган ёруғлик манбаларига тенг қувват билан устунлик бериб, энергия тежайдиган ёруғлик манбаларидан фойдаланиш керак.

44. Ёритиш учун 100 W ва ундан ортиқ қувватга эга умумий чўғланма лампалардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ишчи ёки авария ёриткичларининг бир қисмидан навбатчи ёритиш учун фойдаланишга йўл қўйилади.

Бино ичидаги ва ташқи ёритишнинг норматив хусусиятлари ишчи ёритгичлар, ҳамда уларнинг хавфсизлик ва эвакуация йўлларини ёритиш чироқлари билан биргаликдаги таъминланиши лозим.

45. Ўртача ёритилганликни ҳисоблаш ва ўлчаш учун мўлжалланган тўр, кўриш вазифаси ҳудудлари ва унинг бевосита атрофидаги ҳудудлар учун келтирилиши лозим.

Бу тўр ёритилганлик даражаси аниқланадиган нуқталар сонини белгилаш ва кейинчалик уларнинг ўртача қийматини ҳисоблаш мақсадида ишлатилиши лозим.

Тўр – бу томонлар нисбати 0,5 дан 2,0 m гача бўлган майдон (квадрат ёки тўртбурчак).

Майдон ичидаги ва ҳисоблаш нуқталари орасидаги максимал масофа қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$P=0,2x5^{\lg d},$$

Бунда, d – узунлик ва кенглик нисбати 2 дан кам ва $p \leq 10$ m бўлса, сетканинг энг катта томонининг ўлчами, m.

Турли ўлчамдаги тўрлар учун нуқталар сонининг стандарт аниқлаш мисоли ушбу ШНҚнинг 3-жадвалида келтирилган.

Визуал вазифа ҳудудида ва яқин атрофдаги ўртача ёритишни ҳисоблашда нуқталар сонини аниқлаш учун стандарт тўр ўлчамлари (ёруғликни ҳисоблаш тўри)

3-жадвал

Тўрнинг энг катта томонининг ўлчами, m	Нуқталар орасидаги максимал масофа, m	Минимал нуқталар сони
0,4	0,15	3
0,6	0,2	3
1,0	0,2	5
2,0	0,3	6
5,0	0,6	8
10,0	1,0	10
25,0	2,0	12
50,0	3,0	17
100,0	5,0	20

46. Ёруғлик манбасининг ранг бериш хусусиятларини объектив аниқлашни таъминлаш учун рангни кўрсатишнинг умумий индекси – R_a кўрсатилиши керак.

Белгиланган талабларни қондириш учун ёруғлик манбаларини танлаш бўйича тавсиялар ушбу ШНҚнинг 9-иловасида келтирилган.

47. Ёруғлик манбаининг ранг бериш хусусиятлари ҳақида объектив маълумотга эга бўлиш учун ранг беришнинг умумий индекси киритилиши лозим.

Агар ёруғлик манбаи эталон манба билан бир хил самара берса, бу индекс 100 га тенг бўлади. Чироқнинг ранг бериш хусусиятлари тегишли эталон манбанинг хусусиятларидан узоқлашганда индекс қиймати камаяди.

Хоналарни ёритиш учун ишлатиладиган лампаларнинг ранг бериш индексларининг ранг узатиш гуруҳлари мазкур ШНҚнинг 5-жадвалига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Хоналарни умумий сунъий ёритиш учун ёруғлик манбаларининг минимал рухсат этилган ёруғлик ажралиши

4-жадвал

Ёруғлик манбаининг тури	Минимал рухсат этилган ранг кўрсатиш индекслари R_a бўлган тақдирда ёруғлик самарадорлиги, Im/W дан кам бўлмаслиги керак			
	R_a^3 80	R_a^3 60	R_a^3 45	R_a^3 25
Симобли ёй лампалари	-	-	55	-
Компакт люминесцент лампалар	75	-	-	-
Люминесцент лампалар	75	80	-	-

Металлогалоген лампалари	85	90	-	-
Юқори босимли натрий лампалар	-	82	-	100
LED лампалар	85	90	-	-
LED модуллар	95	100		

Рангни узатиш гуруҳлари ва даражалари

5-жадвал

Рангни узатиш гуруҳи	Рангни узатиш даражаси (интервал)	Рангни идрок этиш	Қўллаш намунаси	
			Афзал	Мақбул
1А	R_a>90	Иссиқ Ўртача Совуқ	Ранг танлаш, тадқиқотлар	-
1В	80<R_a<90	Иссиқ Ўртача	тадқиқотлар бюроси	-
		Ўртача Совуқ	Босмахоналар, тўқимачилик саноати, бадиий ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш ишлари	-
2	60<R_a<80	Иссиқ Ўртача Совуқ	Ишлаб чиқариш ишлари	Бюро
3	40<R_a<60		Оғир саноатдаги ишлар	Ишлаб чиқариш ишлари
4	20<R_a<40	-	-	Оғир саноатдаги ишлар

48. Жамоат, турар жой ва ёрдамчи бинолар учун ранг хусусиятларига кўра ёруғлик манбаларини танлаш ушбу ШНҚнинг 9-иловаси асосида амалга оширилиши керак.

Ранг бериш индекси 80 дан паст бўлган ёруғлик манбаларидан (мазкур ШНҚнинг 4 ва 5-жадваллари асосида) одамлар узоқ вақт ишлайдиган ёки қоладиган хоналарда фойдаланиш керак.

49. Энергияни тежаш мақсадида бутун хонани умумий ёритиш ўрнига иш жойидаги 1-визуал вазифа бажариш майдонини ёритиш лозим.

Бевосита муҳитнинг 2-зонасидаги ёруғлик визуал вазифанинг ёритилишидан паст, аммо ушбу ШНҚнинг 6-жадвалида кўрсатилганидан кам бўлмаслиги керак.

3-зонада ишлатилаётган ёритиш ҳисобланади ва бевосита атроф-муҳит зонаси ёритилишининг 1/3 қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Яқин атрофдаги ҳудудларнинг ёритилиши ҳамда визуал вазифа ўртасидаги қийматлар ва муносабатлар

6-жадвал

Визуал вазифа соҳасидаги ёритиш, lx	Бевосита таъсир зонасида ёритиш, lx
камида 750	500
500	300
300	200
200	Визуал вазифа соҳасидаги ёритишга тенг
150	
100	
50 дан юқори бўлмаган	
Тенг тақсимланиш даражаси 0,7 дан кам эмас	Тенг тақсимланиш даражаси камида 0,5



1 – визуал вазифа бажариш ҳудуди, 2 – бевосита таъсир зонаси (кенглиги камида 0,5 m бўлган чизиқ), 3 – периферия зонаси (бинолар ичида кенглиги камида 3 m бўлган чизиқ)

1-расм – Визуал вазифа зонасига нисбатан бевосита таъсир зонаси ва периферия зоналарининг жойлашуви

50. Агар ёриткич чирағидаги акс эттирувчи ва тарқатувчи элементларнинг конструктив-техник тузилмаси ва материали (ёки қопламаси)нинг тури маълум бўлса, ёриткичнинг эксплуатацион гуруҳи ушбу ШНҚнинг 6-иловасига мувофиқ белгиланиши керак.

51. Ёрқин ёруғлик манбалари порлашни келтириб чиқариши ва объектларнинг кўринишини камайтириши мумкин. Бунга эса йўл қўймаслик керак, масалан, томдаги ёруғлик манбалари ва фонарларни тегишли экранлар ёрдамида ҳимоя қилиш ёки деразалар орқали келаётган ёрқин кундузги ёруғликдан ҳимоялаш керак.

52. Ёруғлик манбаи бевосита кўринадиган ёритгичлар учун ёруғлик манбаининг кўрсатилган равшанлиги кўриш майдонида мазкур ШНҚ нинг 7-жадвалда келтирилган экранлашнинг минимал бурчаклари (мазкур ШНҚ нинг 2-расмига мувофиқ) қўлланилиши керак.

53. Ёруғлик манбаининг тўғридан-тўғри кўриниши оптика билан тўсиб қўйилган ёриткичлар учун ёриткичнинг максимал ўртача ёрқинлиги қиймати ушбу ШНҚнинг 8-жадвалида келтирилган гамма бурчак қийматларига мос келиши керак (2-расм).

Мазкур ШНҚ нинг 7 ва 8-жадвалларида келтирилган қийматлар юқорига қараган ёриткичларда ёки оддий кўз даражасидан пастрокда ўрнатилган пастга қараган элементи бўлган ёриткичларга тааллуқли бўлмаслиги лозим.

Берилган ёруғлик манбаининг равшанлиги учун минимал экранлаш бурчаклари

7-жадвал

Ёруғлик манбаининг равшанлиги kcd m^{-2}	Ҳимоя экранининг минимал бурчаги α
20 дан <50 гача	15°
50 дан < 500 гача	20°
≥ 500	30°

Берилган эгилиш (қиялик) бурчакларида ёриткичнинг максимал ўртача равшанлиги

8-жадвал

Гамма бурчак γ	Ёриткичнинг максимал ўртача равшанлиги kcd m^{-2}
75° ≤ γ < 90°	≤ 20
70° ≤ γ < 75°	≤ 50
60° ≤ γ < 70°	≤ 500



2-расм. Ҳимоя экранининг α ва γ бурчаги

бу ерда:

α – минимал ҳимоя экранлаш бурчаги;

γ – гамма бурчак.

1-§. Ишлаб чиқариш ва омборхона биноларининг хоналарини ёритиш

54. Ишлаб чиқариш бинолари учун ранг хусусиятларига кўра ёруғлик манбаларини танлаш ушбу ШНҚнинг 7-иловаси асосида амалга оширилиши керак.

Ишлаб чиқариш биноларини умумий ёритиш учун светодиодли ва энергия тежайдиган ёруғлик манбаларидан фойдаланиш керак.

55. Ушбу ШНҚнинг 1-иловасида келтирилган ёритиш нормаларини қуйидаги ҳолларда ёритиш шкаласида бир поғонага ошириш керак:

I-VI разрядли ишларда, агар кўриш ишлари иш кунининг ярмидан ортиқ қисмида бажариладиган бўлса;

шикастланишнинг юқори даражада хавфлилигида, агар ёритилганлик умумий ёритиш тизимидан 150 lx ва ундан кам бўлган ҳолларда (гардишли арралар, гильотина қайчиси билан ишлаганда ва шу каби);

махсус юқори санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бўлганда (масалан, озиқ-овқат корхоналари ва кимё-фармацевтика саноатида) агар ёритилганлик умумий ёритиш тизимидан – 500 lx ва ундан кам бўлганда;

ўсмирлар ишида ёки ишлаб чиқариш таълимида, агар ёритилганлик умумий ёритиш тизимидан – 300 lx ва ундан кам бўлганда;

хонада табиий ёритиш бўлмаганда ва ишчилар доимо бўладиган ҳолларда, агар ёритилганлик умумий ёритиш тизимидан – 750 lx ва ундан кам бўлса;

500 айл/min га тенг ёки ортиқ тезлик билан айланувчи деталларни ёки 1,5 m/min га тенг ёки ундан ортиқ тезлик билан ҳаракатланувчи объектларни кузатиш вақтида;

0,1 m ва ундан ортиқ ўлчами устида ажратиш объектларини доимий қидиришда;

хоналарда, ишловчиларнинг ярмидан кўп қисмининг ёши 40 дан катта бўлганда.

Бир вақтда ёритилганлик нормаларининг бир нечта белгилари бўлганда, кўпи билан бир поғонага ошириш лозим.

56. IV-VI разрядли ишлар олиб бориладиган хоналарда, одамларнинг қисқа муддатли бўлиши ёки доимий техник хизмат кўрсатишни талаб қилмайдиган асбоб-ускуналар мавжуд бўлганда, ёритилганлик нормаларини бир поғонага пасайтириш лозим.

57. I-III, IVа, IVб, IVв, Vа разрядли ишлар бажариладиган хоналарда аралаш ёритиш тизимларини қўллаш лозим. Умумий ёритиш тизимини техникавий имконият бўлмаганда ёки маҳаллий ёритишни ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлмаганда, давлат санитария назорати органлари билан келишиб, ёритишнинг соҳа нормаларида аниқланган ҳолда кўзда тутишга рухсат етилади.

Бир хонада ишчи ва ёрдамчи жойлар бўлса, уларни VIIIа разрядга киритиб ишчи жойларнинг маҳаллийлаштирилган умумий ёритилиши (ҳар қандай ёритиш тизими билан) ва ёрдамчи жойларнинг камроқ интенсив ёритилиши таъминланиши керак.

58. Аралаш ёритиш тизимида умумий ёритиш тизими ёриткичлари орқали ишчи юзада ҳосил бўладиган ёритилганлик, маҳаллий ёритиш учун қўлланиладиган ёруғлик манбаларида аралаш ёритиш учун камида 10 фоиз норматив ёритишни ташкил этиши керак. Бунда ёритилганлик 200 lx дан кам бўлмаслиги лозим.

Аралаш ёритиш тизимида умумий ёритишдан 1200 lx дан ортиқ ёритилганлик бўлиши фақат асосланган ҳолда йўл қўйилади.

Табиий ёруғлик бўлмаган хоналарни аралаш ёритишда умумий ёритиш ёритгичлари яратадиган ишчи юзанинг ёритилганлигини бир поғонага ошириш лозим.

59. Максимал ёритилганликнинг минималга нисбати I-III разрядли ишлар учун люминесцентли лампаларда 1,3 дан, бошқа ёруғлик манбаларида 1,5 дан, IV-VII разрядли ишлар учун мос равишда 1,5 ва 2,0 дан ошмаслиги керак.

Ёритилганликнинг нотекислиги технология шартларига кўра, умумий ёритиш мосламаларини фақат майдончалар, устунлар ёки хонанинг деворларига ўрнатиш мумкин бўлган ҳолларда 3,0 га оширилиши лозим.

60. Ишлаб чиқариш хоналарида иш бажарилмайдиган участкалар ва ўтиш жойларининг ёритилиши умумий ёритиш ёритгичлари яратадиган норматив ёритилганликнинг камида 25 фоиз, бунда разрядли лампаларда камида 100 lx бўлиши керак.

61. Тўла автоматлаштирилган технологик жараёнга эга бўлган цехларда жиҳозларнинг ишлашини кузатиш учун, шунингдек, таъмирлаш ва созлаш ишларида зарур бўлган (мазкур ШНҚнинг 1-иловасига мувофиқ) ёритилганликни таъминлаш учун қўшимча равишда алмаштириладиган умумий ва маҳаллий ёритиш чироқлари билан таъминланиши керак.

62. Умумий ёритиш чироқларидан кўз қамаштириш кўрсаткичи (ёритиш тизимидан қатъи назар) ушбу ШНҚнинг1-иловасида кўрсатилган қийматлардан ошмаслиги керак.

Полдан ёритгичлар осилган баландликнинг икки бараваридан ошмайдиган узунликдаги хоналар учун, шунингдек, одамлар вақтинча бўладиган хоналар ва жиҳозлардан ўтиш ёки уларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган майдончалар учун. кўз қамаштириш кўрсаткичи чекланмайди:

63. Ишчи ўринлари муайян жойларини ёритиш учун нурларни тарқатмайдиган қайтаргичли чироқлардан фойдаланиш керак.

Ёриткичларни шундай жойлаштириш керакки, уларнинг ёруғлик элементлари ёритиладиган иш ўринларида ва бошқа иш жойларида ишчиларнинг кўриш майдонига тушмаслиги лозим.

Иш жойларини маҳаллий ёритилиши ёритиш созлагичлари билан жиҳозланган бўлиши керак.

64. Кўриш ишларини маҳаллий ёритилишини фарқланишнинг уч ўлчовли объектлари билан қуйидагича бажариш лозим:

ёриткичдан – фоннинг диффузали қайтишида шуълаланувчи юзасининг энг катта чизиқли ўлчамининг ишчи юзаси устидан унинг жойлашиш баландлигига нисбати оптик ўқнинг ишчи юзанинг марказига томон вертикалга нисбатан камида 30° бурчак остида йўналганда кўпи билан 0,4 ни ташкил этади;

ёриткичдан – фоннинг йўналишли-сочилган ва аралаш қайтишида шуълаланувчи юзанинг энг кичик чизиқли ўлчамининг ишчи юзаси устидан унинг жойлашиш баландлилигига нисбати камида 0,5 унинг равшанлиги эса – 2500 дан 4000 cd/m^2 ни ташкил этади.

Ишчи юзанинг равшанлиги ушбу ШНҚнинг 9-жадвалида кўрсатилган қийматлардан ошмаслиги керак.

Нур қайтариш шартлари бўйича ишчи юзаларнинг
энг катта рухсат этилган равшанлиги

9-жадвал

Ишчи юзасининг майдони, m^2	Энг кўп йўл қўйиладиган равшанлик, cd/m^2
Камида $1 \cdot 10^{-4}$	2000
$1 \cdot 10^{-4}$ дан $1 \cdot 10^{-3}$ гача	1500
$1 \cdot 10^{-3}$ дан ортиқ $1 \cdot 10^{-2}$ гача	1000
$1 \cdot 10^{-2}$ дан ортиқ $1 \cdot 10^{-1}$ гача	750
$1 \cdot 10^{-1}$ дан ортиқ	500

65. Ишчи юзадаги ёруғлик пульсация коэффициенти ушбу ШНҚнинг 1-иловада кўрсатилган қийматлардан ошмаслиги керак.

Пульсация коэффициенти:

300 Hz ва ундан ортиқ қувват частотасида;

стробоскопик эффект пайдо бўлиши учун шароит бўлмаганда инсонлар вақти-вақти билан турадиган хоналар учун чегараланмайди.

Стробоскопик эффект пайдо бўлиш имконияти бўлган хоналарда, пульсация коэффициенти махсус таъминлаш қурилмали ёритиш манбаларини (доимий токда

ишлайдиган светодиодлар, электронли ишга солиш-бошқариш аппаратли люминесцент лампалар) қўллаш ҳамда қўшни ёритиш манбаларини таъминловчи кучланишнинг уч фазасига улаш ҳисобига 10 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

2-§. Биноларнинг ташқи майдонларини ёритиш

66. Бинолар ташқарисидаги жавонларда ва соябон остида жойлашган иш жойининг ишчи юзаларини ёритилганлиги ушбу ШНҚнинг 10-жадвалига мувофиқ олиниши керак.

Бинолардан ташқаридаги иш бажариш жойларининг ёритилиши

10-жадвал

Кўриш ишлари разрядлари	Объектининг минимал ўлчамининг шу объектдан ишловчининг кўзигача бўлган масофага нисбати	Горизонтал сиртдаги минимал ёритилганлик, lx
IX	Камида $0,5 \cdot 10^{-2}$	50
X	$0,5 \cdot 10^{-2}$ дан $1 \cdot 10^{-2}$ гача	30
XI	$1 \cdot 10^{-2}$ дан ортиқ $2 \cdot 10^{-2}$ гача	20
XII	-“- $2 \cdot 10^{-2}$ –“– $5 \cdot 10^{-2}$	10
XIII	-“-“ $5 \cdot 10^{-2}$ –“– $10 \cdot 10^{-2}$	5
XIV	-“- $10 \cdot 10^{-2}$	2
Изоҳ: XI-XIV разрядли ишлар учун шикастланиш хавфи мавжуд бўлса, ёритилганликни юқори чегарадош разряд бўйича қабул қилиш лозим.		

67. Биноларнинг майдонларини ўртача ёритилганлиги ер сатҳида ёки йўл қопламаларида минимал қиймат нуқталарида ушбу ШНҚнинг 11-жадвалига мувофиқ олиниши керак.

Биноларнинг ташқи майдонларининг ёритилганлиги

11-жадвал

Ёритиладиган объектлар	Икки йўналишдаги ҳаракатнинг энг катта интенсивлиги, бирл/h	Горизонтал текисликдаги ўртача ёритилганлик, lx
Автомобилар ҳаракатланадиган йўллар	50 дан ортиқ 150 гача	20
	10 дан 50 гача	10
	10 дан кам	5
Ёнғиндан ҳимоя йўллари ва хўжалик эҳтиёжлари учун мўлжалланган йўллар	-	5
Пиёдалар ва велосипедлар ҳаракатланадиган йўлаклар	100 дан ортиқ	20
	10 дан 50 гача	10
	10 дан кам	5
Кўприкларнинг зинапоялари ва майдончалари	-	10
Шаҳар ҳудудига тегишли бўлмаган бино олди ҳудудлари (биноларга кириш ва ўтиш йўллари, транспорт тўхташ жойлари)	-	10

Ўтиш жойлари	-	10
Темир йўллари:	-	
- йўналишни ўзгартириш жойлари	-	10
- алоҳида йўналишни ўзгартириш жойлари	-	5
- темир йўл полотноси	-	5
Изоҳ: *Шаҳар кўчаларининг давоми бўлган ва транспорт ҳаракатининг интенсивлиги ва йўлнинг қатнов қисмини шунга ўхшаш қоплашга эга автомобил йўллари учун ушбу ШНҚнинг 15-жадвалида келтирилган йўлнинг қатнов қисми қопламаларининг ўртача равшанлиги меъёрларига амал қилиш зарур.*		

68. Ташқи ёритиш бинолар ичидаги ёритишни бошқаришдан мустақил равишда бошқарилиши керак.

69. Иш жойларида ва саноат корхоналари ҳудудларида ташқи ёритиш қурилмаларини кўзни қамаштириш таъсирини чеклаш учун ёриткичларни ер сатҳидан қуйидаги баландликда ўрнатиш керак:

ҳимоя бурчаги камида 15° бўлган ёриткичлар учун қуйидаги ушбу ШНҚнинг 12-жадвалида кўрсатилгандан кам бўлмаган ҳолда;

ҳимоя бурчаги 15° ва ундан ортиқ бўлган ёриткичлар учун – исталган ёруғлик манбалари учун 3,5 m дан кам бўлмаган холда.

Одамлар ўтиши ёки технологик (муҳандислик) жиҳозларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган майдонларда, шунингдек, бинога киришда ҳимоя бурчаги 15° ва ундан ортиқ бўлган ёриткичларни (қайтаргичсиз қоришмали шишадан иборат тарқатгичларга) осиш баландлигини чекламасликка йўл қўйилади.

Кўзни қамаштириш ҳолатини чегаралаш шартлари бўйича
ёриткичларни ўрнатишнинг энг кичик баландлиги

12-жадвал

Ёриткичларнинг ёруғлик тақсимлаши	Бир таянчда ўрнатилган ёриткичлардаги лампаларнинг энг кўп ёруғлик оқими, lm	Ёриткичларни ўрнатишнинг энг кичик баландлиги, m
Ярим кенг	6000 дан кам	7
	6000 дан 10000 гача	7,5
	10000 дан 20000 гача	8
	20000 дан 30000 гача	9
	30000 дан 40000 гача	10
	40000 дан ортиқ	11,5
Кенг	6000 дан кам	7,5
	6000 дан 10000 кам	8,5
	10000 дан 20000 гача	9,5
	20000 дан 30000 гача	10,5
	30000 дан 40000 гача	11,5
	40000 дан ортиқ	13

70. Тарқалган нур ёриткичларини ўрнатиш баландлиги ёруғлик манбаининг 6000 lm гача бўлган ёруғлик оқимида камида 3 m ва 6000 lm дан ортиқ бўлган ёруғлик оқимида камида 4 m бўлиши керак.

71. Бир ускунанинг (прожектор ёки прожектор туридаги қия жойлашган ёритиш асбоби) ёруғликни ўқ бўйича кучининг I max, cd, норматив ёритилганликка боғлиқ ҳолда, ушбу ускуналарни ўрнатиш баландлиги квадратига H, m^2, нисбати қуйидаги 13-жадвалда кўрсатилган қийматлардан ошмаслиги керак.

Ёруғлик ўқ кучининг ўрнатиш баландлиги квадратига нисбати

13-жадвал

Норматив ёритилганлик I max/H^2	0,5	1	2	3	5	10	20	30	50
	100	150	250	300	400	700	1400	2100	3500
Изоҳ: Бир нечта ёруғлик асбобларининг ёруғликни ўқ бўйича кучи – йўналиши мос бўлганда, ҳар бир асбобнинг I max/H^2 йўл қўйиладиган қийматлари жадвалий қийматларни ушбу ёруғлик асбоблари сонига бўлиш йўли билан аниқланади.									

3-§. Турар жой, жамоат ва ёрдамчи бинолар хоналарини ёритиш

72. Ранг тавсифлари бўйича ёруғлик манбаларини танлаш ушбу ШНҚнинг 8-иловаси асосида амалга оширилиши лозим.

Мактабгача таълим муассасаларида ранг ҳарорати нейтрал оқ (3400-5000 К) бўлган ёруғлик диодли (LED) лампалардан фойдаланиш тавсия этилади, бундан ташқари люминесцент лампалар ва галоген чўғланма чироқларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

73. Жамоат бинолари хоналарини умумий ёритишда галоген чўғланиш лампаларидан фойдаланишга фақатгина меъморчилик-бадиийлик талабларини таъминлаш учун йўл қўйилади.

Энергия сарфини назорат қилиш мақсадида А-В разрядли жамоат бинолари хоналарининг умумий сунъий ёритиш тизимига ўрнатилган максимал рухсат этилган солиштирма қувватига нисбатан талаблар ўрнатилиши лозим.

Бу ўрнатилган катталиклар ушбу ШНҚнинг 14-жадвалида келтирилган максимал рухсат этилган кўрсаткичлардан ошиб кетмаслиги керак.

Жамоат бинолари хоналарида максимал рухсат этилган солиштирма ўрнатилган қувват

14-жадвал

Ишчи юзадаги ёритилганлик, lx	Хонанинг индекси	Максимал рухсат этилган солиштирма ўрнатилган қувват, W/m^2, ортиқ эмас
500	0,6 0,8 1,25 2 ва ундан ортиқ	23 20 18 15
400	0,6 0,8	20 16

	1,25 2 ва ундан ортиқ	14 12
300	0,6 0,8 1,25 2 ва ундан ортиқ	18 14 12 10
200	0,6-1,25 1,25-3,0 3 дан ортиқ	14 8 6
150	0,6-1,25 1,25-3,0 3 ортиқ	10 8 7
100	0,6-1,25 1,25-3,0 3 дан ортиқ	5 3,5 3
Изоҳлар: *1)ушбу жадвалдаги қийматлар ишга туширишни бошқариш мосламалари, шунингдек ёритишни бошқариш мосламаларининг қувват сарфини ҳисобга олган ҳолда берилган;* *2)сунъий ёритишнинг максимал солиштирма қувватларининг қийматлари техник асосланган ҳолатларда (йирик ўлчамли жиҳозлар бўлганда) 30 фоиз га оширишга йўл қўйилади.*		

74. Ушбу ШНҚнинг 1-иловасида келтириладиган ёритилганлик нормаларини ёритилганлик шкаласи бўйича қуйидаги ҳолларда бир поғонага ошириш лозим:

махсус кучайтирилган санитария талабларида А-В разрядли ишларда (масалан, айрим умумий овқатланиш ва савдо хоналарида);

одамлар доимо бўладиган хоналарда табиий ёруғликнинг бўлмаслиги;

Г-Е разрядларнинг кўриш ишлари учун (томоша ва концерт заллари, биноларнинг фойелари) хоналарни ёруғлик билан тўйинтиришга кучайтирилган талабларида;

маъмурий биноларни (кабинетлар, иш хоналари, кутубхонанинг ўқув заллари) аралаш ёритиш тизимлари қўлланганда;

хоналарда ишловчиларнинг ярмидан кўпи 40 ёшдан катта бўлган ҳолда.

75. Г-Е разрядларга эга бўлган кўриш ишлари бажариладиган жамоат биноларини декоратив-бадиий ёритиш қурилмаларида ёритилганлик даражасини архитектура талабларига мувофиқ танлашга йўл қўйилади, шу билан бирга хонада эркин йўналиш имкониятини таъминлаш учун шартли горизонтал сиртнинг энг кичик ёритилиши камида 100 lx бўлиши керак.

76. Цилиндрик ёритилганликни таъминлаш зарур бўлган хоналарда, деворларнинг сирт юзасининг ўртача қайтариш коэффициенти камида 40 фоиз, шифт учун – камида 50 фоиз бўлиши керак.

77. Жамоат бинолари хоналарида, умумий ёритиш тизимини қўллаш лозим.

А-В разряддаги кўриш ишлар амалга ошириладиган маъмурий бинолар хоналарида (масалан, кабинетлар, иш хоналари, кутубхоналарининг ўқув заллари, архивларда) аралаш ёритиш тизимини қўллашга йўл қўйилади.

Бунда, ишчи юзадаги норматив ёритилганлик ушбу ШНҚнинг 74-бандига мувофиқ оширилади, умумий ёритишдаги ёритилганлик ушбу ШНҚнинг 2-жадвалига мувофиқ қийматларнинг камида 70 фоизини ташкил қилиши керак.

78. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида I-IV разрядли кўриш ишлари олиб бориладиган қўшимча ишлаб чиқариш биноларида (масалан, заргарлик ва ўймакорлик ишлари, соатлар, телевидение ва радио ускуналарини таъмирлаш, калькуляторлар) аралаш ёритиш тизимини қўллаш лозим.

Норматив ёритилганлик ва сифат кўрсатгичлари ушбу ШНҚнинг 1-иловаси бўйича қабул қилиниши керак.

79. Ушбу ШНҚнинг 2-жадвали бўйича ёритиш қурилмаларидан кўзни қамаштириш таъсирини чеклаш учун ўрнатиладиган шинамсизлик кўрсаткичи полдан 1,2 m баландликда хонанинг марказий ўқида ён томондаги девор олдида таъминланиши лозим.

Бунда, шинамсизлик кўрсатгичи ёриткичларни пол устида ўрнатишнинг икки баробар баландлигидан ошмайдиган узунликка эга бўлган хоналар учун чегараланмайди.

Ёритилганликнинг пульсация коэффициентини ушбу ШНҚнинг 1-иловасидаги 2-жадвалга мувофиқ қабул қилиш лозим.

80. Баландлиги уч қаватдан ортиқ бўлган турар жой бинолари вестибюллари, зиналари, лифт холлари, квартира олди йўлакларини ёритишда, тунги вақтда қайд қилинган жойларнинг ёритилганлиги, ёриткичлар ёки чироқлари ёруғлик оқимини эвакуацион ёритиш нормаларидан кам бўлмаган ҳисобда, мос келадиган даражада камайтира оладиган автоматик ёки масофадан бошқариладиган тизимга эга бўлиши керак. Одамларнинг ана шу бинолардан ўтиб боришида, ёритилганлик ишчи ёритиш нормаларига мос келиши лозим.

81. Энергияни тежаш мақсадларида қайд қилинган, хоналар ишчи ёритилишини лойиҳалашда қисқа вақтда (одамлар ушбу хоналардан ўтиб олишига етарли вақт) ёниб-ўчадиган қурилмаларни ёки ҳаракатни ва ёруғликни сезувчи қурилмали ёриткичларни қўллашга йўл қўйилади.

82. Ёниб-ўчадиган қурилмаларни ёки ишчи ёритиш тармоқларида ҳаракатни ва ёруғликни сезувчи қурилмали ёриткичларни қўллаш лойиҳалаш топшириғи орқали белгиланиши керак.

4-§. Аҳоли пунктларини ташқи ёритиш

83. Шаҳар жойларида мунтазам ҳаракатланадиган кўчалар, йўллар ва майдонларни ёритиш ушбу ШНҚнинг 15-жадвалига мувофиқ сифатли қопламаларнинг ўртача равшанлиги нормаси асосида ишлаб чиқилиши керак.

Қопламаларнинг ўртача равшанлик нормалари

15-жадвал

Ёритиш бўйича объект тоифаси*	Кўчалар, йўллар ва майдонлар	Икки ёқлама йўналишда транспорт ҳаракатининг энг катта интенсивлиги, бирл/h	Қопламанинг ўртача равшанлиги, cd/m^2	Қопламанинг ўртача горизонтал ёритилганлиги, lx
А	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари	3000 дан ортиқ 1000 дан 3000 гача 500 дан 1000 гача	1,6 1,2 0,8	20 20 15
Б	Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари	2000 дан ортиқ 1000 дан 2000 гача 500 дан 1000 гача 500 дан кам	1,0 0,8 0,6 0,4	15 15 10 10
В	Хўжалик автомобиль йўллари	500 ва ундан катта 500 дан кам	0,4 0,3 0,2	6 4 4

Изоҳлар:

1) транспорт ҳаракатининг интенсивлигига боғлиқ бўлмаган тезлиги катта йўллар қопламасининг ўртача равшанлиги шаҳар чегарасида 1,6 cd/m^2 ва катта шаҳарларнинг аэропортлари, дарё ва денгиз портларига қатнов йўлларида 0,8 cd/m^2 қабул қилинади;

2) барча кесишувчи боғ йўлларида икки ва ундан ортиқ даражадаги транспорт кесишув чегараларида қатнов қисми қопламасининг ўртача ёритилганлиги ёки ўртача равшанлиги худди улар ичидаги асосийси каби, шаҳар чегарасидаги киришлар ва тармоқланишларда эса – камида 0,8 cd/m^{2}ёки 10 lx бўлиши керак.

**Майдонлар тоифаси ушбу ШНҚнинг 22-жадвали бўйича қабул қилинди.*

84. Шаҳар жойларида оралиқ ва пастки турдаги қопламаларга эга кўчалар, йўллар ва майдонларнинг қатнов қисмида ёритиш даражаси ўртача горизонтал ёритиш қиймати билан тартибга солиниши лозим.

Бунда Б тоифали кўчалар, йўллар ва майдонлар учун – 6 lx, В тоифали кўчалар, йўллар ва майдонлар учун оралиқ турдаги қоплама бўлганда – 4 lx ва паст турдаги қоплама бўлганда – 2 lx бўлиши керак.

85. Ёритилганлиги нормаланадиган кўчалар йўллар ва майдонлардаги транспорт ҳудудларида вертикалдан 80^0 ва 90^0 бурчак остида ҳайдовчи томонга қарата ўрнатилган ёриткичларнинг ёруғлик кучи (ёриткич ёруғлик оқимининг 1 klm га мос келувчи 30 ва 10 cd га тенг) чеклаб қўйилиши лозим.

86. Катта майдонлар ва транспорт чорраҳаларини ёритишда баландлиги 20 m ва ундан ортиқ таянчларда ўрнатилган ёриткичлар максимум ёруғлик кучини вертикалга нисбатан 65^0 дан ортиқ бўлмаган йўналишда таъминлаши керак.

Вертикалдан 80^0, 85^0, 90^0 бурчак остида ҳайдовчилар йўналишида ўрнатилган ёриткичнинг ёруғлик кучи унинг 1 klm ёруғлик оқимига мос келувчи 50, 30 ва 10 cd чегеравий қийматларидан ошмаслиги керак.

87. Транспорт кесишуви юқори даражали қатнов қисми йўл қопламасидан ёриткичгача бўлган баландлик 10 m дан кам бўлмаслиги керак.

88. Шаҳарлар кўчалари йўллари ва майдонларининг ҳаракат қисми учун белгиланган ўртача ёруғлик чеклови $L_{ўр}$>0.80 cd/m^2 ёки ёритилганлик $E_{ўр}$>15 mk ларни ҳисобга олган ҳолда, тунги вақтларда ушбу кўрсаткичларни ёриткичларнинг бир қисмини ўчириш ёки қувватини 30 фоиз ва 50 фоизга (ҳаракат интенсивлиги 1/3 ва 1/5 мартагача камайган пайтда) қадар камайтиришга йўл қўйилади.

89. Ёриткичлар таянчларда бир донадан ўрнатилган бўлса, тунги вақтларда ёриткичларнинг қисман ўчирилишига йўл қўйилмайди.

90. Ҳайдовчилар ва пиёдалар учун тунги вақтларда ёриткичларни улар ҳосил қилувчи чизиқ йўлнинг ёки кўчанинг йўналишини аниқ кўрсатадиган қилиб қаторларга жойлаштирилиши лозим.

91. Кўчалар, йўллар ва майдонларнинг қатнов қисмига туташ йўлак қопламаларининг ўртача равшанлиги ушбу ШНҚнинг 15-жадвалида кўрсатилган кўчалар, йўллар ва майдонларнинг қатнов қисми қопламасининг ўртача равшанлигининг ярмидан кам бўлмаслиги керак.

92. Қопламаларнинг минимал равшанлигининг ўртача қийматга нисбати нормадаги ўртача равшанлик 0,6 cd/m^2 дан ортиқ бўлса, камида 0,35 ва ўртача равшанликнинг нормаси 0,8 cd/m^2 ва ундан паст бўлса камида 0,25 бўлиши керак.

93. Қопламаларнинг минимал равшанлигининг ҳаракат йўли бўйича максималга нисбати ўртача равшанлик 0,6 cd/m^2 дан ортиқ нормада камида 0,6 ва ўртача равшанликнинг 0,6 cd/m^2 ва паст нормасида – камида 0,4 бўлиши лозим.

94. Шаҳар жойларида кўчалар, йўллар ва майдонлар, ҳиёбонлар ва майдонлар, пиёдалар йўлкалари ва ҳудудларнинг қатновга эга бўлмаган қисм қопламалари сатҳидаги ўртача горизонтал ёритилганликни ушбу ШНҚнинг 16-жадвалига мувофиқ қабул қилиш лозим.

Кўчалар, йўллар ва ҳиёбонларнинг қатнов кам қисмларининг
қоплама сатҳидаги ўртача горизонтал ёритилганлик

16-жадвал

Ёритиладиган объектлар	Ўртача горизонтал ёритилганлик, lx
1. Пиёдалар учун асосий кўчалар, А ва Б тоифали майдонларнинг қатнов бўлмаган қисми ва корхона олди майдонлари	10
2. Пиёдалар кўчалари: жамоат марказлари чегараларида бошқа ҳудудларда	 6 4

3. Қуйидаги тоифалар кўчаларида қатнов қисмидан ажратилган пиёдалар йўлаклари: А ва Б В	 4 2
4. Барча тоифадаги кўчаларда жамоат транспорти учун тўхташ жойлари	10
5. Пиёдалар кўприкчалари	10
6.Пиёдалар ерости йўллари: кундузи тунда	 100 50
7. Пиёдалар ерости йўлларининг зинапоялари	20
8. Қуйидаги тоифадаги кўчаларга туташ хиёбонлар ва майдонларнинг пиёдалар йўлкалари (ушбу ШНҚнинг 15-жадвали) А Б В	 6 4 2
9. Қатнов йўллари: асосий иккинчи даражали, шу жумладан пиёда йўлакларининг кириш жойлари	 4 2
10. Чиқинди йиғгичлардаги хўжалик майдончалари	2
11. Болалар ўйин майдончалари	10
Изоҳ: **Мазкур талаблар Б ва В тоифадаги кўчаларнинг қатнов қисмига ёндошган пиёда йўлларнинг ёритилганлигига ҳам қўлланилади.*	

95. Тарихий жойларнинг асосий пиёдалар ҳаракатланадиган кўчаларида ўртача ярим цилиндрик ёритилганлик камида 6 lx бўлиши керак.

96. Жамоат бинолари ҳудудларининг ўртача горизонтал ёритилиши ушбу ШНҚнинг 17-жадвалига мувофиқ олиниши керак.

Жамоат бинолари ҳудудларини ўртача горизонтал ёритилганлиги

17-жадвал

Ёритиладиган объектлар	Ўртача горизонтал ёритилганлик, lx

1. Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларининг биноларида:	
гуруҳли ва жисмоний тарбия майдончалари	10
дам олиш зоналаридаги ҳаракатланувчи ўйинлар учун майдончалар.	10
2. Санатория ва дам олиш уйлари	
Санатория бинолари ва жойларига, дам олиш уйларига ўтиш йўллари;	4
ҳудудларга кириш кириш жойлари;	6
ётоқхона бинолари, ошхоналар, кинотеатрлар ва шу каби биноларга қатнов ва ўтиш йўллари;	4
истироҳат боғи зонасининг марказий хиёбонлари;	4
истироҳат боғи зонасининг ён томон хиёбонлари;	2
дам олиш ва маданий-оммавий хизмат кўрсатиш зонасининг майдонлари (оммавий дам олиш майдонлари, очиқ эстрада олди майдончалари) ;	10
стол устида ўйналадиган ўйинлар, очиқ турдаги ўқув заллари учун майдончалар.	10
Изоҳ: **Ўқиш ва стол усти ўйинлари учун мўлжалланган ёритилганлик хоналарни ёритилганлиги нормалари бўйича қабул қилинади.*	

97. Истироҳат боғлари, стадионлар ва кўргазмалар ҳудудларининг ўртача горизонтал ёритилиши ушбу ШНҚнинг 18-жадвалига мувофиқ олиниши керак.

Хиёбонлар, стадионлар ва кўргазмалар ҳудудларининг ўртача горизонтал ёритилганлиги

18-жадвал

Ёритиладиган объектлар	Ўртача горизонтал ёритилганлик, lx			
	Умумшаҳар истироҳат боғлари	Район боғлари	Стадионлар	Кўргазмалар
1. Асосий кириш жойлари	6	4	10	10
2. Ёрдамчи кириш жойлари	2	1	6	6
3. Марказий хиёбонлар	4	2	6	10
4. Хиёбонлар ён атрофлари	2	1	4	6
5. Оммавий дам олиш майдончалари, театрлар, кинотеатрлар, кўргазма павильонлари ва очиқ эстрада, стол усти ўйинлари учун майдончалар	10	10	-	20

6. Кўргазмалар ҳудудидаги дам олиш зоналари	-	-	-	10

98. Қишлоқ ва овул жойларининг кўчалари, йўллари ва майдонларининг қопламалари даражасидаги ўртача горизонтал ёритиш қуйидаги ушбу ШНҚнинг 19-жадвалига мувофиқ олиниши керак.

Кўча, йўл ва қишлоқ ва овул майдонлари қопламаларининг
ўртача горизонтал ёритилганлиги

19-жадвал

Ёритиладиган объектлар	Ўртача горизонтал ёритилганлик, lx
1. Асосий кўчалар, жамоат майдонлари ва савдо марказлари	4
2. Кўчалар:	4
асосий	2
иккинчи даражали (тор кўча)	2
3. Қишлоқ ва овул йўллари, боғдорчилик ширкатлари ва дала-ҳовли ҳудудидаги йўллар	2
Изоҳлар: *1) дала-ҳовли ҳудудларида асосий қатнов йўлларининг ўртача ёритилганлиги – 2 lx, қолган қатнов йўллари учун – 1 lx бўлиши керак;* *2) қишлоқ жойларининг турар жой зонасидан ташқарида жойлашган омборхона ҳудудидаги бино қурилишлари қатори ва қатнов йўллари орасидаги ўртача ёритилганлик 1 lx бўлиши зарур.*	

99. Қишлоқ ва овул жойлари ичидаги умумий тармоқ автомобиль йўлларининг ёритилиши ушбу ШНҚнинг 15-жадвалига мувофиқ ёки ушбу ШНҚнинг 83-бандига мувофиқ йўл қопламасининг турига қараб, Б тоифали кўчалар учун қабул қилиниши керак.

100. Ташқи ёритиш лойиҳаларида ёнғинга қарши сув манбаларига кириш йўлларини, агар улар кўчалар ва қатнов йўлларининг ёритилмаган қисмида жойлашган бўлса, ёритишни кўзда тутиш лозим.

Ушбу кириш йўлларининг ўртача горизонтал ёритилганлиги қуйидагича, бўлиши керак, lx:

шаҳар ва шаҳарчаларда – 2;

қишлоқ ва овулларда – 1.

А ва Б тоифали кўчалар ҳамда йўлларни ташқи ёритиш лойиҳаларида 100 m узунликдаги ёритилмаган қўшни кўчалар ва йўлларнинг (ушбу кўчалар ва йўлларни ёритиш нормалари бўйича) қисмларини ёритишни таъминлаш керак.

101. Кўчаларнинг қатнов қисмида жойлашган трамвай йўлларини ёритиш нормаси кўчаларни ёритиш нормасига мувофиқ бўлиши лозим. Алоҳида ўрин тутадиган трамвай йўлининг ўртача горизонтал ёритилганлиги 6 lx бўлиши керак.

102. Узунлиги 60 m дан ортиқ бўлган шаҳар транспорт туннелларининг қатнов қисмининг кундузги ўртача горизонтал ёритилиши ушбу ШНҚнинг 20-жадвалига мувофиқ кечки ва тунги режимларда эса 50 lx га тенг қабул қилиш керак.

Туннель узунлиги 60 m гача бўлган йўл қопламасининг ўртача ёритилиши барча режимларда 50 lx бўлиши керак.

Шаҳар транспорти тоннеллари йўл қопламасининг
ўртача горизонтал ёритилганлиги

20-жадвал

Тоннелнинг узунлиги, m	Порталга тушиш қиялиги	Кириш порталининг йўналиши	Кириш порталининг бошланишидан, m, масофадаги ўртача горизонтал ёритилганлик, lx						
			5	25	50	75	100	125	150 ва ундан ортиқ
1 дан 100 гача	ҳисобга олинмайди	исталган	750	750	400	150	60	-	-
100 дан ортиқ	қиялик-сиз	шимолий-жанубий	750	750	400	150	75	60	50
	қиялик-ка эга	исталган	1000	1000	650	350	125	60	50
Изоҳ: мазкур ШНҚнинг 16-жадвалда кириш зонасининг кетма-кет участкаларининг ёруғлик даражасини пасайтириш жараёни туннелга кирувчи ҳайдовчининг мослашуви учун зарур шарт-шароитларни яратиш талабларига жавоб беради.									

103. Тунги вақтда йўл ўтказгичлар ва кўприклар остидаги ўтиш йўлларининг ўртача горизонтал ёритилиши 40 m гача бўлган ўтиш жойи учун камида 30 lx бўлиши керак. Катта узунликларда эса ушбу ШНҚнинг 102-бандига асосан туннель ёритиш нормаларига мувофиқ қабул қилиниши керак.

104. Автомобилларга ёқилғи қуйиш ва сақлаш ҳудудларида ўртача горизонтал ёритиш ушбу ШНҚнинг 21-жадвалига мувофиқ қабул қилиш лозим.

Ёқилғи қуйиш шохобчалари ва автотураргоҳларнинг ёритилиши

21-жадвал

Ёритиладиган объектлар	Ўртача горизонтал ёритилганлик, lx
Ёнилғи қуйиш шохобчалари	
1. Кўчалар ва йўллардан киришлар:	
А ва Б тоифалари	15
В тоифаси	10
2. Ёқилғи қуйиш ва бўшатиш жойлари	20
3.Тегишли қолган ҳудудларда	10

Автотураргоҳлар ва ҳаракатланувчи таркибни сақлаш жойлари	
Барча тоифадаги кўчалардаги очиқ автотураргоҳлар, шунингдек, кўчалардан ташқаридаги автотураргоҳлар орасидаги ўтиш жойлари	6

105. Максимал ёритилганликнинг ўртачага нисбати ўртача ёритилганлик нормасида қуйидагича бўлиши керак:

6 lx дан ортиқ ва кўпи билан 3:1;

4 lx дан 6 lx гача ва кўпи билан 5:1;

4 lx дан кам ва кўпи билан 10:1.

106. Пойтахтда, тарихий, курорт ва порт шаҳарларда, шунингдек, катта шаҳарларда ёритиш нормаларини қуйидагича оширишга рухсат этилади:

0,2-0,4 cd/m^2гача – А ва Б тоифадаги мукаммаллашган турдаги қопламаларга эга кўчалар, йўллар ва майдонларни ёритиш қурилмалари учун;

20 lx гача – А ва Б тоифадаги майдонларнинг қатновга эга бўлмаган қисмларини ва завод олди майдонларини, стадион ва кўргазмалар асосий киришларни ёритиш қурилмалари учун;

10 lx гача – ўтиш туридаги қопламаларга эга Б тоифадаги кўчалар, йўлларни ва умумшаҳар истироҳат боғларининг асосий киришларини ёритиш қурилмалари учун.

107. Тунги вақтда норматив ўртача ёритилганлик 4 lx бўлган ёки ёриткичларнинг камида ярмини ёқиш йўли билан ўртача равшанлик 0,4 cd/m^2 ва ундан ортиқ бўлганда, бунда иккита кетма-кет жойлашган юқори босимдаги разряд лампалари ёруғлик оқими созлагичи ёрдамида ёриткичларни ўчирмасдан номиналдан 50 фоиз паст бўлмаган даражагача созлаш йўли билан шаҳар кўчалари, йўллари ва майдонларини ташқи ёритиш даражасини пасайишини кўзда тутиш лозим.

108. Тунги вақтда ва эрталабки қоронғи вақтда электр энергияни қўшимча тежаш мақсадида ёритиш даражасини камайтиришга йўл қўйилади:

ҳаракат жадаллигини максимал қийматидан 1/3 қисмигача камайтирилганда 30 фоизга;

ҳаракат 1/5 гача қисмига камайтирилганда 50 фоизга.

109. Кўчаларда ва йўлларда, кўприкларда, хиёбонларда, автомобиллар тўхташ жойларида, ички хизмат-хўжалик ва ёнғин проездларида ўртача ёритилганликнинг 0,2 cd/m^2 норматив қийматларида ёки ўртача ёритилганлик 4 lx дан ва кам бўлган тунги вақтда ёритишни қисман ёки тўла ўчирилишига рухсат этилмайди.

110. А ва Б тоифадаги кўчалар, йўллар ва транспорт йўлларида ёритиш мосламалари учун кўзни қамаштириш кўрсатгичи 150 lx дан ошмаслиги керак.

111. В тоифадаги кўчалар ва йўлларни ёритиш қурилмалари шунингдек, ёритиш даражаси горизонтал ёки ярим цилиндрик ёритилганлик нормалари билан чегараланувчи ёритиш қурилмалари учун кўз қамаштиришни чеклаш шарти бўйича ёриткичлар жойлашишининг энг кичик баландлиги ушбу ШНҚнинг 12-жадвали бўйича қабул қилиниши керак.

112. Турар жой бинолари деразаларининг ойналарида барча ташқи ёритиш қурилмаларидан ҳосил бўладиган умумий вертикал ёритилганлик қуйидагилардан ошмаслиги керак:

қатнов қисмининг ўртача горизонтал ёритилганлик нормаси 10 lx бўлганда 7 lx дан;

ўртача горизонтал ёритилганлик нормаси 15 lx бўлганда10 lx дан;

ўртача горизонтал ёритилганлик нормаси 20 lx ва ундан юқори бўлганда 20 lx дан.

113. Жамоат марказидан ташқаридаги пиёдалар йўлкаларида, кўча ичидаги ҳудудларда, шунингдек курорт-даволаш муассасаларининг ётоқхоналарига ёндошган барча кўчаларда, тураржой бинолари квартиралари ва ётоқхона бинолари палаталари деразаларида 5 lx дан ошмаслиги керак.

114. Турар жой бинолари деразаларининг ойналарига тушадиган ёруғликни чеклаш мақсадида деразаларга йўналган ёруғлик кучи чекланган ёки экранловчи панжарали ёриткичлардан фойдаланиш лозим.

115. Бинога кириш жойи тепасига ёки ёнига йўл қопламасида ўртача ёритилганлик даражаси $E_{ўр}$ ни таъминловчи ёриткичлар ўрнатилиши керак.

Бунда, $E_{ўр}$ камида қуйидагича таъминланиши керак:

асосий кириш майдончасида – 6,0 lx;

захира ёки техник чиқиш йўли майдончаси ёки пиёда йўлагида – 4,0 lx.

116. Ташқи ёритиш мосламаларида қуйидагилар қўлланилиши керак:

ёруғлиги акс этадиган светодиодли ёриткичлар, консоллар ва прожекторлар;

юқори босимга эга ёруғликнинг разрядли манбалари бўлган ёриткичлар, шунинг билан бирга, кўчалар ва транспорт ҳаракатига эга йўлларни ёритиш қурилмалари учун кўпинча юқори босимга эга бўлган натрийли лампалар.

117. Ёритиш мосламаларини турини танлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

қурилманинг энергия тежамкорлиги ва энергия самарадорлиги;

ёритиш мосламаларининг ишлашининг ишончлилиги;

хизмат кўрсатувчи ходимлар ва аҳолининг хавфсизлиги;

ёритиш мосламаларига техник хизмат кўрсатиш ва бошқаришнинг қулайлиги.

118. Трамвай ва троллейбус ҳаракати бўлган кўчалар, йўллар ва майдонларда ёритиш мосламаларини жойлаштириш баландлиги трамвай ва троллейбус линиялари учун ШНҚ 2.05.09-22га мос келиши керак.

119. Кўприклар ва кўприклар парапетларига чироқларни ўрнатишнинг минимал баландлиги агар камида 10° ҳимоя бурчаги таъминланган бўлса ва махсус ускунадан фойдаланмасдан лампаларга кириш имконияти бўлмаса чекланмайди.

120. Транспорт туннелларида муҳофаза бурчаги камида 10° бўлган ёриткичлар қўлланилиши лозим. Бунда, уларни ўрнатиш баландлиги камида 4 m бўлиши керак.

121. Пиёдалар туннелларида ҳимоя бурчаги камида 15° бўлган қуйидаги ёриткичлардан фойдаланиш керак:

светодиодли;

умумий қуввати 80 W гача бўлган люминесцент лампали;

қуввати 110 W гача бўлган ДНаТ (ДНаС) лампали;

қуввати 125 W гача бўлган ДРЛ лампали.

122. А ва Б тоифадаги кўчаларнинг қатнов қисми билан бир сатҳдаги пиёдалар ўтиш жойларининг ёритиш даражасини кесишадиган қатнов қисмининг ёритиш нормасига нисбатан камида 1,5 баробар оширилиши лозим. Ёритиш даражасини ошириш таянчларнинг орасидаги масофани қисқартириш, қўшимча ёки кучлироқ ёриткичларни ўрнатиш, ўтиш жойидаги ёрқинлаштирилган қоплама ва бошқалар ҳисобига амалга оширилиши лозим.

5-§. Бино ва иншоотларни ташқи архитектуравий ёритиш

123. Ташқи архитектуравий ёритиш кечки вақтларда шаҳарнинг кўпроқ аҳамиятга эга обьектларининг яхши кўринишини ва ифодалилигини таъминлаши, шунингдек, шаҳар ёруғлик муҳитини шинамлигини ошириши керак.

Архитектуравий ёритиш қурилмалари транспорт ҳайдовчилари ва пиёдаларга кўзни қамаштирадиган таъсир кўрсатмаслиги керак.

124. Бинолар фасадлари, иншоотлар, монументлар ва ландшафт архитектураси элементларининг равшанлиги уларнинг аҳамиятлилиги, жойлашган ўрни ва уларнинг шаҳардаги кўз орқали қабул қилишнинг устунлик қилувчи шартларидан келиб чиқиб, ушбу ШНҚнинг 22-жадвалига мувофиқ олиниши керак.

Шаҳар объектларининг ташқи архитектуравий ёритилиш нормалари

22-жадвал

Шаҳар жойларининг тоифалари	Ёритиш объектининг жойлашиш ўрни	Ёритиш объекти	Узвий ёритиш, фасаднинг ўртача равшанлиги, $L_ф$, cd/m²	Узвий ва урғу берувчи ёритиш, нур орқали урғу берилган L элементнинг ёруғлиги, $L_э$, cd/m²	Локал ёритиш, ўртача равшанлик L, cd/m²
1	2	3	4	5	6
А	Пойтахт марказий майдонлари, умумшаҳар зоналари	Миллий аҳамиятга эга архитектура ёдгорликлари, йирик жамоат бинолари, ёдгорликлар	10	30	10
	Шаҳар аҳамиятидаги магистрал кўчалар ва майдонлар	Архитектура, тарихий ва маданий ёдгорликлари, шаҳар аҳамиятидаги ёдгорлик ва объектлар	8	25	8
	Шаҳар аҳамиятидаги парклар, боғлар, бульварлар, скверлар,	Маданий мерос объекти ҳудуди чегараларидаги бино, иншоот, ёдгорликлар, монументлар, ноёб ландшафт элементлари	5	15	5

	пиёдалар йўлакчалари				
Б	Туман жамоат марказлари майдонлари	Туман аҳамиятидаги ёдгорликлар, монументлар, бинолар ва иншоотлар	7	20	8
	Туман аҳамиятидаги магистрал кўчалар ва майдонлар	Юқоридаги каби	5	15	5
	Туман аҳамиятидаги парклар, боғлар, скверлар, бульварлар ва пиёдалар йўлакчалари	Юқоридаги каби ва ландшафтнинг характерли элементлари	3	10	3
В	Маҳаллий аҳамиятдаги кўчалар ва майдонлар, пиёдалар йўлакчалари	Маданий мерос объектлари ҳудудий чегараларидаги ёдгорликлар ва монументлар, бинолар ва иншоотлар	5	10	3
	Маҳаллий аҳамиятдаги боғлар, скверлар, бульварлар	Юқоридаги каби ва ландшафтнинг характерли элементлари	3	8	3
Изоҳ: *1) 300 т масофадан кўриладиган доминант объектлар равшанлигини 50 фоизгача ошириш мумкин;* *2) ёритиладиган объект ёритилмаган муҳит ичида жойлашганда, мазкур жадвалда келтирилган равшанлик нормасини 50 фоизгача камайтириш мумкин.*					

125. Архитектуравий ёритиш қурилмаларини лойиҳалашда ёритилувчи объектлар фасад юзаларининг ёруғлик қайтариш ҳисобий коэффициентлари ўлчовлар кўрсаткичлари асосида ёки ушбу ШНҚнинг 23-жадвалига мувофиқ олинади.

Ташқи архитектуравий ёритишни лойиҳалашда қўлланиладиган бинолар фасадлари, иншоотлар, монументлар материалларининг ҳисобий тавсифлари

23-жадвал

Т/р	Юза материаллари ёки фасад ранги	Юза материалнинг нур қайтариш коэффициенти, $\rho_м$

1	Оқ: оқ рангли атмосферага чидамли фасад бўёқлари, оқ керамогранит, оқ мармар ва бошқалар	0.7
2	Жуда очиқ ранг: жуда очиқ рангли фасад бўёқлари, оқ силикат ғишт, оч кулранг бетон, мармар, оқ тош (оҳактош, доломит, кул тош), бетон ва оқ цементли, очранг тўлдиргичли декоратив сувоқлар, жуда очиқ рангли керамогранит, керамик плитка, ракушечник ва бошқалар	0.6
3	Очиқ ранг: очиқ рангли фасад бўёқлари, мармар, тош (туф, қумтош, оҳактош), бетон, оч ранг тусли рангли сувоқлар, керамик ғишт, керамогранит, мармарнинг очиқ рангли турлари, блоклар, плитка, ёғоч, тахта ва бошқалар	0.5
4	Ўртача очиқ ранг: кулранг фактураланган бетон, рангли фасад бўёқлари, очиқ ранг ёғоч, кулранг силикат ғишт, рангли керамогранит ва бошқалар.	0.4
5	Тўқ ранг: тўқ ранг фасад бўёқлари, мармар, гранит, ҳом ғишт, силикат ғишт, тўқ рангли керамогранит, декоратив сувоқлар ва керамик плиткалар, тўқ ранг бўлиб қолган ёғоч, мис ва бошқалар	0.3
6	Жуда тўқ ранг: жуда тўқ рангли бўёқлар, мармар, гранит, керамогранит ва бошқалар	0.2
7	Қора: қора бўёқлар, тош мармар, базальт, гранит, чугун, платиналанган бронза, декоратив штукатурка ва бошқалар	0,15

126. Фасаднинг узвий бир текис ёритилишида максимал ёритишнинг минимал ёритишга нисбати 3:1 дан ошмаслиги, рельефли ва рангли фасадларда эса 5:1 гача бўлиши керак. Бунда, максимал ёритилганлик асосий композицион-пластик элементларда ҳосил қилиниши лозим.

127. Фасаднинг узвий нотекис ёритилишида ёритиш зонаси чегараларида максимал ва минимал ёритилганлик 10:1 дан кам ва 30:1 дан ортиқ бўлмаган нисбатда қабул қилиниши керак. Бунда, максимал ёритилганлик ёруғлик билан урғу берилувчи элементда ҳосил қилиниши лозим.

128. Кўп қиррали кўринишга эга йирик монументлар, ёдгорликлар, кичик меъморий шаклларни икки ёки уч томондан ёруғлик оқимининг аниқ белгиланган асосий йўналиш билан ёритилиши керак. Бу объектни идрок этишнинг асосий йўналиши билан композицион жиҳатдан боғланиши керак бўлган ҳисобий текисликни белгилаши лозим.

129. Архитектуравий ёритиш қурилмаларида разрядли ёруғлик манбасига эга бўлган ёриткичлардан ва светодиодлардан фойдаланиш керак. Маҳаллий ёритиш учун хроматик нурланиш манбаларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

130. “Совуқ” рангли юзаларга эга объектларни ва яшил майдонларни ёритиш учун ёритиш ранг ҳарорати 4000 К дан юқори бўлган ёруғлик манбаларидан фойдаланиш керак. “Иссиқ” рангларда бўялган объектларни ёритиш учун ранг ҳарорати 3500 К гача бўлган ёруғлик манбалари қўлланилади.

Полихром объектларни, айниқса фасадлардаги тасвирий-декоратив элементларни (мозаика, тасвирий панно ва фризлар, рангли рельефлар, ҳайкаллар) ёритишда ранг узатиш умумий индекси R 80 дан кам бўлмаган оқ рангли ёруғлик манбаларини қўллаш лозим.

Ландшафт архитектураси объектларини бадиий-декоратив ёритишда рангли ёруғлик манбаларини қўллашга рухсат этилади.

131. Архитектуравий ёритиш қурилмалари шундай жойлаштирилиши керакки, уларнинг ёруғлик чиқадиган тешиклари ҳаракатнинг асосий йўналишларидаги ҳайдовчи ва пиёдаларнинг кўриш майдонининг марказида бўлмаслиги ёки ёруғликни ҳимоя қилувчи қурилмалар билан ҳимояланган бўлиши керак.

132. Архитектуравий ёритиш мосламаларини лойиҳалашда эксплуатация коэффициентини ёритиш приборининг ёруғлик чиқадиган жойининг йўналишига ва унда фойдаланилган ёруғлик манбаига боғлиқ ҳолда қуйидагича қабул қилиш лозим:

прибор ойнаси вертикал ёки пастки ярим сферага қаратилган бўлса (90° - 270° бурчак оралиғида) MF = 0,67;

ойна юқори ярим сферага қаратилганда MF = 0,59.

6-§. Витриналарни ёритиш

133. Пиёдалар йўлаклари сатҳидан 1,5 m баландликдаги витриналарни умумий ёритишдаги вертикал текисликдаги ўртача ёритилганлик билан акцент берувчи ёруғликнинг ёритилганлиги биргаликда ушбу ШНҚнинг 24-жадвалида келтирилган қийматлардан ортиб кетмаслиги керак.

Вертикал текисликдаги ўртача ва умумий ёритилганлик

24-жадвал

Кўча, майдон тоифаси	Вертикал текисликдаги ўртача ёритилганлик, lx	Вертикал текисликдаги умумий ёритилганлик (умумий ва урғу берувчи ёритиш), lx, кўпи билан
А	300	1000
Б	200	750
В	100	500
Изоҳлар: *1) урғу берувчи ёритиш майдони витрина майдонининг 20 фоиздан ошмаслиги керак;* *2) тўқ рангли маҳсулот қўйилган витриналар учун ёритилганликни очранг товар қўйилган витриналар ёритилганлигидан ёритилганлик шкаласи бўйича бир поғонага ошириш керак.*		

134. Витриналарни ёритишда разрядли ёруғлик манбасига эга бўлган ва светодиодли ёриткичлар қўлланилиши керак. Ёруғлик манбалари ушбу ШНҚнинг 25-жадвалига мувофиқ рангларни фарқлаш талабларини ҳисобга олган ҳолда танланиши лозим.

Витриналарни ёритиш учун тавсия этиладиган ёритиш манбалари

25-жадвал

Маҳсулот тури	Ёруғлик манбасининг ранг характеристикалари	
	$T_ц$, K	R_a
Матолар, галантерея, парфюмерия, ўйинчоқлар, китоблар, оёқ кийим, бош кийимлар, мўйналар	2800-5000	80 ва ундан ортиқ
Электр ускуналари, хўжалик идишлари, канцелярия моллари, нон	2800-3200	70 ва ундан ортиқ
Гўштли, сутли, сабзавотлар, мевалар, ширинлик маҳсулотлари	2800-3500	80 ва ундан ортиқ
Балиқ маҳсулотлари	4000-6500	80 ва ундан ортиқ

135. Ёритиш қурилмалари уларнинг ёруғлик чиқадиган тешиклари ёки витринага қўйилган товарлардан акс этган ёрқин нурлар витрина ойнасидан камида 1 m масофада турган йўловчи ва ҳайдовчиларнинг марказий кўриш майдонига тушмайдиган тарзда ўрнатилиши керак.

7-§. Реклама ва ахборот берувчи конструкцияларни ёритиш

136. Реклама ва ахборот берувчи конструкцияларнинг максимал ва ўртача рухсат этилган равшанлик кўрсаткичлари ушбу ШНҚ нинг 2-иловасига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

137. Реклама ва ахборот берувчи конструкцияларнинг тунги вақтда динамик тарзда ишлаши турар жой бинолари, ижтимоий объектларнинг деразаларини геометрик марказидан 1 m масофада жойлашган нуқтадан кўриш чизиғига перпендикуляр текисликдаги проекциясининг кўринадиган бурчак катталиги 2,5° дан ошмаса ёки реклама ва ахборот берувчи конструкцияси ўша нуқтадан кўринмаса йўл қўйилади.

Тўғри тўртбурчакли реклама ва ахборот берувчи конструкцияси учун кўриш чизиғига перпендикуляр текисликдаги реклама ва ахборот берувчи конструкциясининг проекцияси билан бир хил юзага эга бўлган айлананинг ўлчамига тенг бўлган эквивалент бурчак катталиги қабул қилиниши лозим.

Электрон ташувчиларда реклама ва ахборот тасвирларини намойиш этиш (медиафасадлардан ташқари) аудиовизуал тасвирларни ўзида мужассамлаштирилган динамик эффектлар қўлланилмаган статик тасвир технологиясидан фойдаланиб ўтказилиши лозим.

Куннинг ёруғ ва қоронғи вақтларида тасвирларнинг алмашиши 5 s да бир мартадан кўп бўлмаган тарзда амалга оширилиши керак. Тасвирнинг алмашиши давомийлиги 2 s дан ортиқ бўлиши керак. Ёруғлик даражасини ноль қийматгача текис камайтириш ва ундан кейин текис ошириш йўли билан амалга оширилиши керак.

Медиафасадларда куннинг ёруғ вақтида тасвирларни намойиш қилиш динамик эффектлардан фойдаланиш орқали амалга оширилиши лозим. Куннинг қоронғи вақтида медиафасадларда динамик эффектлардан фойдаланиб тасвирларни намойиш қилиш тақиқланади.

Куннинг қоронғи вақтида медиафасадлардаги статик тасвирларнинг алмашиниши 1 min ичида бир мартадан кўп бўлмаган тарзда амалга оширилиши лозим. Тасвирнинг алмашиниш давомийлиги 10 s дан ортиқ бўлиши ва ёруғлик даражасини 0 гача текис камайтириш ва ундан кейин текис ошириш йўли билан амалга оширилиши керак.

8-§. Авария ҳолатидаги ёритиш

138. Авария ҳолатидаги ёритиш хавфсизлик ва эвакуация ёритишига бўлинади.

139. Ишчи ёритишни ўчирилиши ҳамда жиҳозлар ва механизмларга техник хизмат кўрсатишнинг бузилиши қуйидагиларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолларда хавфсизлик ёритилиши таъминланиши керак:

портлаш, ёнғин, одамларнинг заҳарланиши;

технологик жараённинг узоқ муддат бузилиши;

электр станциялари, радио ва телевизион эшиттириш ва алоқа узеллари, диспетчерлик пунктлари, сув таъминоти, канализация ва иситиш насос қурилмалари, ишлар тўхтатилиши мумкин бўлмаган ишлаб чиқариш хоналари учун вентиляция ва ҳавони кондициялаш қурилмалари ва бошқаларларнинг ишини бузилишига;

болалар муассасалари режимини бузилиши (улардаги болалар сонидан қатъий назар).

140. Ишчи ёруғлик қуввати узилса, технологик жараён шартлари ёки вазиятга кўра ишни нормал давом эттириш талаб этилганда, захира ёритиш чироқлари кўзда тутилиши лозим.

141. Биноларда ёки бинолардан ташқарида иш олиб бориладиган жойларда эвакуация ёритилиши қуйидагилар учун таъминланиши керак:

одамлар ўтиши учун хавфли бўлган жойларда;

одамларни эвакуация қилиш учун фойдаланадиган ўтиш жойлари ва зинапояларда, агар эвакуация қилинадиганлар сони 50 кишидан ортиқ бўлса;

50 дан ортиқ киши ишлайдиган саноат биноларининг асосий ўтиш жойларида;

баландлиги 6 қават ва ундан юқори бўлган тураржой биноларининг зинапояларида;

нормал ёритишни фавқулодда ўчириш пайтида одамларнинг бинолардан чиқиб кетиши ишлаб чиқариш ускунасининг узлуксиз ишлаши туфайли шикастланиш хавфи билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш биноларида;

агар хоналарда бир вақтнинг ўзида 100 кишидан ортиқ одам бўлиши имкониятига эга бўладиган ишлаб чиқариш корхоналарининг жамоат ва ёрдамчи бинолари хоналарида;

табиий ёруғликсиз ишлаб чиқариш хоналарида.

142. Эвакуация йўлининг йўналишини кўрсатадиган ёриткич кўрсаткичлари (хавфсизлик белгилари) туннелнинг ички деворларига (тунелнинг ён томонларига) эвакуация чиқиш эшиклари томонидан эвакуация йўлаклари сатҳидан 0,5 m баландликда бир-биридан 25 m дан ошмайдиган масофа билан ўрнатилиши керак.

143. Эвакуация йўналишини кўрсатадиган кўрсаткичлар статик ёки динамик кўрсаткичларга бўлинади.

Статик белгилар ҳар доим ёқилган бўлиши ва энг яқин масофада жойлашган эвакуация чиқиш йўналишини кўрсатиши керак. Бундай белгилар туннелнинг кириш ва чиқиш порталларигача бўлган масофа ҳақида ёритиш бўйича қўшимча маълумотларга эга бўлиши лозим.

144. Туннелнинг ёпиқ қисмининг узунлиги 1000 m дан ортиқ бўлса, эвакуация йўналишини кўрсатадиган динамик белгиларни ўрнатиш керак бўлади.

145. Ёритилган “Чиқиш” кўрсаткичлари эвакуация чиқиш эшиклари тепасида пол сатҳидан 2,1-2,2 m баландликда ўрнатилиши керак. Чиқиш кўрсаткичлари ҳар доим ёритилган ҳолда бўлиши лозим.

146. Хавфсизлик ёритиш ишлаб чиқариш биноларининг ишчи юзаларида ва ишчи ёритиш ўчирилганда техник хизмат кўрсатишни талаб қиладиган корхоналар ҳудудида яратилиши керак. Бунда умумий ёритишдан ишлайдиган ёруғлик учун нормалаштирилган ёритишнинг камида 5 фоиз миқдорида ёритиш таъминланиши керак. Аммо бинолар ичида камида 2 lx, корхона ҳудудларида камида 1 lx ёритилиш таъминланиши лозим.

147. Бинолар ичида разряд лампаларда 30 lx дан ортиқ ва чўғланиш лампаларида 10 lx дан ортиқ бўлмаган энг кам ёритилганликни ташкил этишга тегишлича асосланганда йўл қўйилади.

148. Эвакуация ёриткичи асосий ўтиш жойларининг полида (ёки ерда) ва зиналарнинг поғоналарида энг кам ёритишни қуйидагича таъминлаш керак:

хоналарда 0,5 lx;

очиқ жойларда 0,2 lx.

149. Хоналарда хавфсизлик ёритишининг ёриткичлари эвакуация ёритиши учун қўлланиши лозим.

Эвакуация йўлларини ёритиш учун эвакуация лампаларини ўрнатиш тавсия этилади, лампаларни ўрнатиш баландлиги йўлак сатҳидан 2 m ошмаслиги ва эвакуация йўлларида ёритилганлик камида 0,5 lx бўлишини таъминлаши керак. $E_{мин}/E_{макс}$ ёруғлик тақсимланиши камида 1:40 бўлиши керак.

150. Туннелдан эвакуация чиқиш жойларида, пол сатҳидан 2,1-2,2 m баландликда эвакуация ёриткичлари ўрнатилган бўлиб, улар чиқиш эшиги олдидаги пол сатҳини камида 0,5 lx даражада ёритишни таъминлаши лозим.

151. Авария ҳолатида қуйидаги ёриткичларни қўллаш лозим:

светодиод лампалар ва ленталар;

люминесцент лампалар минимал ҳарорати камида 5°С бўлган хоналарда ва лампалар номинал кучланишнинг камида 90 фоиз кучланишли барча режимларда қувватланиши шарти билан;

юқори босимли разряд лампалари, агар улар таъминот кучланишининг қисқа муддатли узилишидан кейин иссиқ ҳолатда ҳам, совуқ ҳолатда ҳам бир зумда ёки тезда қайта ёқилса.

152. Жамоат бино ва иншоотларида хоналар ва эвакуация йўллари чиқиш кўрсаткичлари билан бирга пол устидаги ёниб турадиган “югурувчи йўлкача” типидаги чиқиш йўналишини кўрсатиб турадиган кўрсаткичлар билан таъминланиши керак.

153. Хавфсизлик эвакуацион белгилари табиий ёритиш мавжуд бўлмаган, бир вақтда 30 киши бўлиши мумкин бўлган хоналарда ва табиий ёритиш мавжуд бўлган, бир вақтда 50 киши бўлиши мумкин бўлган, майдони 100 m^2 дан ортиқ бўлган хоналарда ўрнатилиши керак.

Доимий турадиган хавфсизлик эвакуацион чиқиш белгилари қуйидаги холатларда ўрнатилиши лозим:

ҳар бир чиқиш жойининг тепасида;

эвакуация йўналишини аниқ кўрсатган ҳолда, эвакуация йўллари устида;

тиббий ёрдам постини кўрсатиш учун;

ёнғин ўчиришнинг бирламчи воситаларини жойлашган ўрнини кўрсатиш учун;

фавқулодда ҳолат тўғрисида хабар бериш учун мўлжалланган шошилинч алоқа воситаларини ва бошқа воситалар жойлашиш ўрнини кўрсатиш учун.

Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларининг биноларида ва аҳоли доимий бўладиган биноларда хавфсизлик эвакуацион белгилари (бу бинолардаги одамлар сонидан қатъи назар) ўрнатилиши лозим.

Тутун бўлиши мумкин бўлган хоналарда хавфсизлик эвакуацион белгилари полдан 0,5 m гача баландликда ўрнатилиши керак. Ташқи ёритилган хавфсизлик белгиларига йўл қўйилмайди.

154. Барча йўналишдаги хавфсизлик белгиларининг рангли юзасининг исталган қисмидаги эвакуация хавфсизлиги белгиларининг равшанлиги қуйидагилардан кам бўлмаслиги керак:

тутун бўлмаганда – 2 cd/m^2 дан;

тутун бўлган шароитида – 10 cd/m^2 дан кам бўлган миқдорда бўлиши керак.

155. Хавфсизлик ранги равшанлиги билан контраст ранг равшанлиги нисбати 1:15 дан кам ва 1:5 дан ортиқ бўлмаслиги керак.

156. Хавфсизлик эвакуацион белгисининг баландлиги ушбу ШНҚнинг 4-иловасига мувофиқ белгиланади.

157. Хавфсизлик эвакуацион белгиларининг нормал режимдаги таъминоти ишчи ёритиш таъминот манбасидан мустақил бўлган манбадан амалга оширилиши, авария режимида эса учинчи мустақил манбадан (масалан, ёриткичга жойланган аккумлятор батереяси) олинадиган қувватга қайта уланадиган бўлиши зарур. Эвакуация хавфсизлик белгиларининг ишлаш давомийлиги 1 h дан кам бўлмаслиги лозим.

158. Кечаси қўриқланадиган ҳудудлар чегаралари бўйлаб хавфсизлик ёритилиши (махсус техник қўриқлаш воситалари бўлмаганда) таъминланиши керак.

159. Ёритилганлик ер сатҳида горизонтал сиртда камида 0,5 lx ёки ердан вертикал сиртнинг бир томони 0,5 m сатҳда, чегара линияларига перпендикуляр ҳолда бўлишини кўзда тутиш лозим.

Хавфсизлик учун махсус техник воситалардан фойдаланилганда, ёритиш хавфсизлик ёриткичларини лойиҳалаш учун техник шартларга мувофиқ олиниши керак.

160. Қўриқлаш ёритиш нормал ёнмаганда қўриқлаш сигнализацияси ёки бошқа техника воситалари таъсиридан автоматик равишда ёқиладиган ҳоллардан ташқари, исталган ёруғлик манбаидан фойдаланиш керак. Бундай ҳолда чўғланиш лампаси қўлланиши лозим.

161. Навбатчи ёритиш учун қўлланиш чегараси, ёритилганлик катталиги, бир текис тақсимланган ва сифатга талаблари меъёрланмайди.

162. Юқори хавфли ҳудудларни ёритиш учун ишлатиладиган ёруғлик манбаларининг ранг узатиш индекси R_a камида 40 бўлиши керак.

Катта майдонларни эвакуация қилиш учун ишлатиладиган ёруғлик манбаларининг ранг узатиш индекси R_a камида 40 бўлиши лозим.

163. Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва одамларни ўз вақтида эвакуация қилишни таъминлаш учун ҳар бир авария чиқиш жойида, эвакуация йўналишларида, тиббий ёрдам пунктини кўрсатиш, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларини ўрнатиш жойларини белгилаш, авария алоқа воситалари ва фавқулодда вазият тўғрисида хабар бериш учун мўлжалланган бошқа воситаларни жойларини кўрсатиш учун эвакуация йўлларида ёруғлик кўрсаткичлари (хавфсизлик белгилари) ўрнатилади.

Ёруғлик кўрсаткичларини (хавфсизлик белгилари) таниб олиш масофаси ушбу ШНҚнинг 4-иловасига мувофиқ белгиланади.

9-§. Қурилиш майдончасини ёритиш

164. Қурилиш майдончалари ва ундаги иш жойларини тенг тақсимланган ҳолда ёритилиши лозим. Бундай ҳолларда ёруғлик кўрсаткичлари ушбу ШНҚнинг 10-иловасида кўрсатилган қийматлардан кам бўлмаслиги керак.

165. Нормалаштирилган ёритиш даражаси 2 lx ортиқ бўлиши керак бўлган қурилиш майдонларидаги иш жойлари учун умумий бир хил ёритишга қўшимча равишда махаллийлаштирилган ёритишни таъминлаш керак.

Одамларни вақтинчалик бўлиши мумкин бўлган жойлар учун ёруғлик даражасини 0.5 lx гача камайтириш лозим.

166. Тунда қурилиш майдончалари ва ундаги иш жойларининг хавфсизлигини таъминлаш зарур бўлган ҳолларда, ишчи ёритиш мосламаларининг бир қисми хавфсизлик ёриткичи сифатида фойдаланиш учун ажратилиши керак.

Қурилиш майдончалари ва ундаги иш жойларининг чегараларида хавфсизлик ёриткичи ер сатҳида горизонтал равишда ёки девор текислигида вертикал равишда тўсиқларда камида 0.5 lx ёритишни таъминлаши керак.

167. Тунда қурилиш майдончаларининг хавфли жойлари тўсиқлар ва ёруғлик сигналлари билан таъминланиши керак. Бунда, ёруғлик сигналлари учун 42 W дан юқори бўлмаган кучланишли ёруғлик манбаларидан фойдаланиш керак.

168. Технологик талабларга кўра, бетон ётқизишда танаффусга йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолларда ва муҳим тузилмаларда бетонлаш ишлари олиб бориладиган жойларда авариявий ёритишни таъминлаш керак. Бунда, авариявий ёритиш 3 lx, бетонлаш жойларида эса 1 lx бўлиши керак.

169. Эвакуация ёриткичи асосий эвакуация йўллари ҳудудларида, шунингдек шикастланиш хавфи билан боғлиқ бўлган ўтиш жойларида таъминланиши керак. Қурилаётган бино ичида эвакуация ёритилганлиги 0.5 lx, бино ташқарисида 0.2 lx бўлиши керак.

7-боб. Объектни ёритишни лойиҳалашда сифат ва хавфсизликни назорат қилиш

170. Ташқи ёритишни лойиҳалаш ва ўрнатишда қуйидагилар таъминланиши керак:

